

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛВТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**З О О Т Е Х Н И Я**  
(турлар бўйича)  
**Й Ў Н А Л И Ш И**

**“ХАЙВОНЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ”**

модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛВТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**З О О Т Е Х Н И Я  
(турлар бўйича)  
Й Ў Н А Л И Ш И**

**“ҲАЙВОНЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ”**

модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент 2017**

**Мазкур ўқув-услубий мажмua Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
2017 йил 18 августдаги 4-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур  
асосида тайёрланди.**

Тузувчи (лар): Тошкент давлат аграр университети  
“Зоотехния” кафедраси доцент: Р.Хамрақулов  
доцент: А.Х.Холматов, А.Юлдошев, Ш.С. Мамталиев

Тақризчи (лар): Жанубий Корея “Ҳайвонлар ва ўсимликлар карантини  
миллий уюшмаси” профессори Донгхи Чо

*Ўқув -услубий мажмua Тошкент давлат аграр университети  
Кенгашининг 2017 йил 27 июньдаги 9-сонли қарори билан нашрга  
тавсия қилинган*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	17
IV. АМАЛИЙ МАШғУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	92
V. КЕЙС БАНКИ .....	100
VII. ГЛОССАРИЙ .....	101
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	103

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастур чорвачилиги ривожланган давлатларнинг илғор технологиялари, адабиёт маълумотлари асосида чет эл мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиқилган бўлиб. Ҳайвонларни озиқлантиришнинг замонавий усуллари, озуқа турларини Озуқаларни тайёрлашнинг замонавий усуллари, чорвачилиги ривожланган давлатларда озуқа етишириш, Ҳайвон ва паррандаларни, уларнинг маҳсулдорлик параметрларига қараб озиқлантириш, чорвачилик ҳайвонларини озиқлантиришда замонавий ноананавий усулларини ўқитиш, ахборот телккоммуникация хизматидан фойдаланиш муаммолари баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Ҳайвонларни озуқалантиришнинг замонавий усуллари модулининг мақсад ва вазифалари:**

-янги озуқа турларини олишнинг замонавий усулларини, замонавий ахборот коммуникация технологиялари асосида озиқа меъёри ва рационларини тузиш, чорва молларини замонавий тенденциялар асосида озиқлантириш, Истроил, АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатларида озуқа турлари ва уларни етишириш усуллари, Ҳайвон ва паррандаларни уларнинг маҳсулдорлик параметрларига қараб озиқлантириш, Озуқаларни тўйимлилигини ҳисоблашни, маҳсулот учун озуқалар сарфини ҳисоблашнинг янги усулларини, Озуқаларни тайёрлаш ва уларни едиришга тайёрлашнинг жаҳон тажрибаси ва уларни амалиётга қўллаш малакавий кўникмаларини шакллантириш;

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

«Ҳайвонларни озиқлантиришнинг замонавий усуллари» курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- жаҳон миқиёсида янги озуқа турларини олишнинг замонавий усуллари;
- озуқаларни тўйимлилигини ҳисоблаш, маҳсулот учун озуқалар сарфини ҳисоблашнинг янги усуллари;
- чорва молларини замонавий тенденциялар асосида Истроил, АҚШ, Фарбий Европа мамлакатларида қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларини озиқлантириш усуллари;
- гўшт, сут йўналишидаги қорамоллами озиқлантиришнинг илғор усуллари ҳақида **билимларга эга бўлиши.**
- чорва молларига замонавий ахборот коммуникация технологиялари асосида озиқа меъёри ва Рационларини тузиш;
- ҳайвон ва паррандаларни уларнинг маҳсулдорлик параметрларига қараб озиқлантиришни ташкил этиш;
- озуқаларни тайёрлаш ва уларни едиришга тайёрлашнинг жаҳон тажрибаси даражасида **кўникма ва малакаларини эгаллаши.**
- чорвачилик, парандачиликда, балиқчиликда замонавий озиқлантириш технологияларини қўллаш.
- чорвачиликда, парандачиликда, балиқчиликда замонавий озуқа этиштириш технологиялами қўллаш **компетенцияларини эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Ҳайвонларни озиқлантиришнинг замонавий усуллари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

«Ҳайвонларни озиқлантиришнинг замонавий усуллари» модули мазмуни ўқув режадаги “Наслчилик ишини ташкил этишда замонавий технологиялар” ва “Чорва маҳсудотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогламинг мобилиловалар яратиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Ҳайвонларни озиқлантиришнинг замонавий усулларини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Ҳайвонларни озиқлантиришнинг замонавий усуллари Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		жумладан		кўчма машрутот
			жами	назарий	амалий	машгулот	
1.	Озукаларинг тўйимлилигига баҳо беришнинг замонавий усуллари	6	6	2	2	2	
2.	Озиқалар таркибини аниқлашнинг замонавий схемаси	6	6	2	4		
3.	Сут берувчи сигирлари боқиши	6	4	2	2		2
4.	Озуқа қўшимчалари	6	6	2	2	2	
5.	Бройлер жўжаларини боқишида нонотехнология усулида олинган микроэлементлардан фойдаланиш	6	4	2	2		2
	<b>Жами:</b>	<b>30</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Озуқаларнинг тўйимлилигига баҳо беришнинг замонавий усуллари**

Скандинавия мамлакатларида Озуқаларни тўйимлилигига баҳо бериш тизими. Англия ва АҚШ мамлакатларида Озуқаларни тўйимлилигига баҳо бериш тизими. Германиянинг Озуқаларнинг тўйимлилигига баҳо беришнинг янги замонавий тизими. Озуқаларнинг тўйимлилигига баҳо беришнинг деталлаштирилган тизими. Озуқа турлари. Дағал озуқалар Шрали озуқалар, Концентрат озуқалар. Рацион ттузиш. Норма асосида озиқалантириш. Тўла қийматли озиқалантириш, Озуқаларнинг тўйимлилигига баҳо бериш, Озуқаларни едиришга тайёрлаш.

### **2- мавзу: Озиқалар таркибини аниқлашнинг замонавий схемаси**

Озуқаларнинг протеинли тўйимлилигига баҳо беришнинг янги тасвири. Углеводламинг янги классификацияси ва алоҳида гуруҳлар тавсифи. Витаминлар ва бошқа биологик фаол моддаламинг (БФМ) тавсифи. Макро ва микро элементламинг аҳамияти. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини озиқалантириш, Паррандаларни озиқалантириш, Саноат чиқиндиларидан фойдаланиш. Озуқаларни бойитишда замонавий усуллар. Озиқалантиришнинг ноананавий усуллари. Бир ҳил типда озиқалантириш.

### **3-мавзу: Сут берувчи сигирлари боқиши**

Ҳаёт кечириш учун энергия ва протеинга бўлган талаб. Сут ҳосил қилиш учун энергия ва протеинга бўлган талаб. Сигиминг бўғозлик даврида энергияга ва протеинга бўлган талаб. Соғин сигирларинг минерал моддаларга бўлган талаби. Соғин сигирларинг витаминларга бўлган талаби.

### **4-мавзу: Озуқа қўшимчалари**

Озуқа антибиотиклари. Пробиотиклар. Органик кислоталар. Антиоксидловчилар. Емулгаторлар. Коксидиостатлар. Пичан тайёрлаш, Ўуни тайёрлаш, Силос, Сенаж, Силаж, пичан тайёрлаш технологиялари, тўлақимматли озуқалра. Фаол шамоллатиш усулида пичан тайёрлаш.

## **5–мавзу: Бройлер жўжаларини боқишда нанотехнология асосида олинган миқроэлементлардан фойдаланиш**

Бройлер жўжалари рационида йоддан фойдаланиб йод билан бойитилган тухум ва гўшт тайёрлаш. Бройлер жўжалари рационида темир ва мис биометалидан фойдаланиш. Озуқаларни тўйимлилигига баҳо бериш, Озуқа турлари. Озуқаларни Ҳайвонларнинг тури, жинси ва ёшига қараб тақсимлаш. Озуқаларни ейилувчанлигини аниқлаш.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1–амалий машғулот:**

#### **Дағал озуқалар туйимлилигига баҳо бериш**

Озуқаларни тўйимлилигини баҳолаш. Дағал озуқлар, Бошоқлилар, Дуккаклилар ва уларнинг аралашмаси. Беда ўтидан тайёрланган пичанни

### **2-амалий машғулот:**

#### **Озуқалар, уларнинг кимёвий таркиби ва тўйимлилиги**

Ем-хашакнинг кимёвий таркиби. Ҳайвонот озуқалари юқори тўйимлилиги ва тўла қимматлилиги. Кимёвий таркиби ва ҳайвон организмига физиологик таъсири.

### **3-амалий машғулот:**

#### **Рационлар тузиш техникаси**

Рационлар тузиш техникаси. Ҳайвонларга рацион тузиш. Озиқлантириш тури. Чорвачиликда озиқ нормалар ва Рационлари. рационни протеин билан балансланганлиги

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича куйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологиялами англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимлами мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументлами тақдим қилиш, эшлиши ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

“Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог ҳодимламинг малакасини ошириш курслари тигнгловчиларини аттестациядан ўтказиш ва баҳолаш талаблари ” (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро комиссиясининг 2015 йил 3 ноябрдаги 2-сон мажлиси)га муофик, баҳолаш модули бўйича ассесментлар кўринишида амалга оширилади

### **“Хайвонларни озиқлантиришнинг замонавий усуллари” модули бўйича**

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш мезони</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Изоҳ</b>
<b>1</b>	Рацион тузиш	1,0	Ҳар бир тингловчига алоҳида хайонлар йўналишлари бўйича
<b>2</b>	Мустақил иш	15 балл	Белгиланган тартибда бажарилади
		<b>2.5</b>	

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **Хулосалаш» (Резюме, Beep) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда мухокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиламинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимлами мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштириллади, зарурий ахборотлр билан тўлдириллади ва

### **Намуна:**

<b>Тұлақимматли турлы биометаллар билан бойтиилған озиқалантириш</b>					
<b>Темир билан бойитилған озуқалар</b>		<b>Йод билан бойитилған озуқалар</b>		<b>Мис билан бойитилған озуқалар</b>	
афзalлиги	камчилиги	афзalлиги	камчилиги	афзalлиги	камчилиг и
<b>Хулоса:</b>					

### **“SWOT-тахлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибалами таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллами топишга, билимлами мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккуми шакллантиришга хизмат қиласди.



**Намуна:** Қорамоллами озиқлантириш учун Бир ҳил типда озиқалантиришга ўтишнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Қорамоллами озиқлантириш учун бир ҳил типда озиқалантиришга ўтишнингкучли томонлари	Қорамоллар катта қомидаги микрофлоранинг дойимиyllигини сақлаш, физиологик ва махсулдорлигини турғунлигини таъминлаш...
W	Қорамоллами озиқлантириш учун бир ҳил типда озиқалантиришга ўтишнингкучсиз томонлари	Озуқаларни сифатли сақлаш, миқдорини кўпайтириш...
O	Қорамоллами озиқлантириш учун бир ҳил типда озиқалантиришга ўтишнингимкониятлари (ички)	Озиқа тарқатиш, тайёрлаш ишларинг тизимли ва бир ҳилда бажариш имконияти
T	Тўсиқлар (ташқи)	Озуқа етиштириш учун ер майдони ..

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнимкаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозлами тарқатилади:



- иштирокчиламинг муносабатлари индивидуал ёки гурхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимлами амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Фикр:** “Гўшт ва сут маҳсулотлари таркибидаги “I<sub>2</sub>” йод микроэлементини бойитиш”

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомлами аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия

етилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



### Тест

Биометалларнинг ўрни?

- А. Ҳайвон организмидаги тўпланади
- В. Ҳайвон организмидаги тўпланади ва ўсиш ва ривожланишгаига таъсир қиласи
- С. Озуқаларнинг ейилувчанлигини оширади
- Д. Озуқаларнинг тўйимлилигини



### Киёсий таҳлил

- Инсонларда йод этишмаслиги касаллигини олдини олиш учун чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қўйиладиган талаблар?



### Тушунча таҳлили

- Биометалларни аҳамиятини изоҳланг...



### Амалий қўникма

- Чорва ҳайвонларини биометаллар билан бойтилган озуқалар билан боқиш?

## “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзуу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>	<b>3-матн</b>
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт яқунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчалами ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

## **Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”**

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Биометалл		
Бир ҳил типа озуқалантириш		
Йоднинг аҳамияти		
Раздой		
Силаж		
Ўриш фазасини тўғри танлаш		
Матцион		

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар хақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### **“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

#### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинламинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаламинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-Мавзу:Озуқаларнинг тўйимлилигига баҳо беришнинг замонавий усуллари

##### Режа

1. Озуқадаги тўйимли ва бошқа ҳаётий зарур моддалар.
2. Скандинавия мамлакатларида Озуқаларни тўйимлилигига баҳо бериш тизими.
3. Ангљя ва АҚШ мамлакатларида Озуқаларни тўйимлилигига баҳо бериш тизими.
4. Германиянинг Озуқаларнинг тўйимлилигига баҳо беришнинг янги замонавий тизими.
5. Озуқаларнинг тўйимлилигига баҳо беришнинг деталлаштирилган тизими.

**Таянч иборалар:** озуқа бирлиги, озуқанинг тўйимлилиги, арпа, сули, ем-хашик, ҳазм бўладиган тўйимли моддалар, озуқа нормалари, қуруқ модда.

##### 1.1. Озуқадаги тўйимли ва бошқа ҳаётий зарур моддалар<sup>1</sup>

Озуқадаги тўйимли ва бошқа ҳаётий зарур моддалар таркиби ҳақида билиш Ҳайвонларни озиқлантириш асосини ташкил этади. Бунинг учун озуқаларда зоотехник таҳлил ўтказилиб, озиқ моддалари гуруҳига мансуб хом протеин, хом ёғ, хом клечатка, азотсиз экстрактив моддалар ва қуруқ моддаламинг таркиби аниқланади. Озуқаларни текширишда ҳар бир озиқ моддаси учун маҳсус таҳлил усуллари гўйлинилари (П-чизма).

**Қуруқ моддалар** Озуқалар таркибини таҳлил қилиш жараёнида, албатта, унинг таркибидаги қуруқ модда ва сув микдори аниқланади. Дастребаки майдаланган енгил қуруқ озуқа учун қуритиш  $103^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 4 соат давом этади, бунда сув билан биргаликда кичик молекулали ёғли кислоталар (мой, сирка кислотаси, протеин, сут ва ҳ.к.), аммиак, спиртлар ва бошқа моддалар буғланади. Дастребаки масса ва мутлоқ қуруқ моддалар орасидаги фарқ гигроскопик сув деб юритилади. Дон, ун ва саноатдан чиқсан бошқа маҳсулотлар  $130^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 2 соат давомида қуритилади. Таркибидаги намлик юқори бўлган озуқалар (қанд ва озукабоп лавлаги, картошка ва бошқалар) вакуумли шкафда  $80\text{-}85^{\circ}\text{C}$  ҳароратда ва 133 гПа

<sup>1</sup> VAYNSHTEFAN AMALIY FANLAR UNIVERSITETI TRISDORF FILIAL I, GERMANIYADURST L., Viltman M

босим остида қуритилади. Қуритиш жараёни массанинг доимий оғирлигига етгунча давом эттирилади. Қуруқ модда таркибида органик ва анорганик компонентлар мавжуд бўлади.

**Қуруқ кул.** Озуқанинг ноорганик компоненти намунани муфел печида 550°C ҳароратда ёндириш йў Ии билан аниқланади. Бунда салмоқли қисмини углсродлар ташкил қилган органик моддалар ёниб кетади, анорганик компонентлар сса қолдиқ сифатида қолади, бу моддалар қуруқ кул деб юритилади. Қуруқ модда массаси билан қуруқ кул ўртасидаги фарқ озуқанинг органик моддаси деб юритилади. Қуруқ кул таркибида озуқанинг хусусий анорганик моддалари билан бир қаторда, турли анорганик аралашмалар (кум, лой ва ҳ.к.) бўлиши мумкин.

**Хом протеин.** Хом протеин таркиби Келдал услубида аниқланади. Аниқлаш жараёнида намунага суи фат кислотаси концентратсияси билан ишлов берилади. Бунда органик моддаламинг парчаланиши ва намуна таркибидаги аммиак тарзида ажратилиши содир бўлади. Охирги моддалар дарҳол кислота билан тутиб қолинади. Намуна совутилгандан сўнг, аммиакни сулфат кислотаси аралашмасига қўшиб ҳайдаш керак бўлади. Ортиқча кислота текширилади ва азотга боғлиқ миқдори аниқланади. Модомики, протеин таркибида 16% азот бор экан, озуқадаги хом протеин азот миқдорининг 6,25 коеффитсиентига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Озуқа таркибидаги хом протеин, ҳақиқий оқсил каби амидлар, эркин аминокислоталар ва бошқа азотли моддалардан таркиб топади.

**Ёғлар.** Ёғлар -озуқа намунасидан тортиб олинган эфир массасидир. Экстраксияси, кўпинча, диетилефираа олиб борилади, унда ёғлар смолалар (катронлар), мумлар (улар ҳақиқий ёғлар эмас) ҳайвонлар томонидан энергия манбайи сифатида фойдаланилади. Бундай моддалар пичан таркибидаги ёғлар ва ўтларда 20-40% гача етади. Бир қатор озуқаларда фақат кислоталар гидролиз шароитда экстраксия имкони бўлади, чунки уларда ёғлар оқсил мембранны билан ўралган бўлади (сут маҳсулотлари, қуруқ дрожжалар). 1.5. Хом к1ечатка Бу фраксияга кислоталар ва ишқорларда эримайдиган, таркибида оқсил, ёғ ва кул слементлари бўлмаган (селлулоза, пентозалар ва ўсимлик структурасини ташкил стувчи бошқа моддалар) озуқа қолдиқлари киради. Хом клечатка фраксияси иккита фраксиячага бўлинади. Биринчи фраксияга (НДК-нейтрал детергент клечаткалар) қайнатилганда детергентламинг нейтрал эритмасида сақлайдиган моддалар киради.

Шўр эритмада қайнатилганда, иккинчи гуруҳга мансуб бўлган (КДК-кислотали детерген клечатка)--селлулоза ва лигнин моддалари қолади.

Агар КДК құшымча рацинда 72% сульфат кислотаси билан гидролизланса, эритмада фақат лигнин қолади.

**Азотсиз экстрактив моддалар.** Булар хом клечаткаларга ҳам, ёғларга ҳам, протеинларга ҳам кирмайдыган органик моддалардир. Бундай моддаларга қанд моддалари, крахмаллар, селлулозанинг сувда осон эрийдиган компонентлари ва гемиселлулозалар, органик кислоталар ва бошқалар, яъни барча углеводлар (клечаткадан ташқари) ва органик кислоталар киради.

## **1.2. Скандинавия мамлакатларида Озуқаларни түйимлилигига баҳо бериш тизими**

Турли озуқламинг түйимлилигига баҳо бериш борасида изланишларга О.Кельнер бутун умрини бағишилади. Кельнер, XIX асминг охири ва XX асминг бошларида катта ёшдаги ахта қилингандың бўрдоқига боқилаётган новвосларда мувозанатли тажрибалар ўтказиш йўли билан, турли Озуқаларнинг энергияли түйимлилигига баҳо беришда 1 кг картошка крахмалининг бўрдоқидаги қорамол организмида ҳосил қиласидан ёғ микдорини бирлик қилиб олишни тавсия қиласиди. Скандинавия мамлакатларида 1915 йилдан бошлаб 1 кг қуруқ табиий ҳолатдаги арпа донининг түйимлилиги 1 озуқа бирлиги деб қабул қилинди.

**Скандинавия озуқа бирликлари усули.** Скандинавия мамлакатларида ўртоқлик ташкилотлари қорамоллами боқишида энг самарадор усуллами излай бошладилар. Бунинг учун эса содда ва ишончли озуқалар түйимлилигини баҳолаш усули керак бўлди. Скандинавия мамлакатларида бўрдоқидаги қорамоллар, сигирлар, отлар, чўчқалар ва қўйлар учун озуқа нормалари ҳайвонларда оддий озуқалантириш тажрибалари ўтказиш йўли билан аниқланган.

Ҳар хил Скандинавия мамлакатларида аввал турли хил озуқ бирликларидан фойдаланишган ( $0,5 \text{ кг арпа} + 0,5 \text{ кг сули}$ ;  $1/3 \text{ кг дон} + 1/3 \text{ кг кепак} + 1/3 \text{ кг қунжара}$ ;  $1 \text{ кг арпа ва х.к.}$ ). 1915 йилдан бошлаб Н.Фъорд ва Н.Хансонлар томонидан ишлаб чиқарилган бу усул бўйича 1 кг ўртача сифатли, қуруқ арпа донининг түйимлилиги қабул қилинган. Бу усул Швеция, Норвегия, Дания, Исландия ва Финландия мамлакатларида қўлланилади. Бу усул содда, аниқ ва ишлаб чиқариш учун жуда ўнгайдир. Лекин озуқа бирлиги қилиб 1 кг арпа донига teng келадиган озуқанинг түйимлилиги қабул қилинган. Бу эса асосий рацион таркибидаги озуқалар ўзгаришига, яъни озуқлантириш турига жуда боғлиқдир. Бир хил озуқлантириш турлари қўлланилаётган ва бир хил дала алмашлаб экиш усулларидан фойдаланилаётган шароитда бу усул қўл келади. Рацион

таркиби ўзгарганда озуқанинг тўйимлилиги бошқача бўлиши мумкин.

### **1.3. Англия ва АҚШ мамлакатларида Озуқаларни**

#### **тўйимлилигига баҳо бериш тизими**

1900 йилнинг бошларида АҚШнинг Пенсильвания штатидаги университетда Америка олимни А.П.Армсби ҳайвон организмида турли Озуқаларнинг ҳазм бўлишидан ҳосил бўладиган 1000 к.кал. энергияни бирлик қилиб «1 Терм» деб қабул қилди.

Кимё ва физиология фанларининг тараққиёти ҳамда озиқ-овқат ва ем-хашакламиング кимёвий таркибини ўрганиш услубларининг яратилиши 1850 йилларга келиб, ем-хашаклами тўйимлилигига баҳо беришда қўлланила бошланди. Оқибатда, Америка Кўшма Штатларида ем-хашакламиング тўйимлилигига баҳо беришда ем-хашак таркибидаги «ҳазм бўладиган тўйимли моддалар йиғиндиси» тизими (ҲБТМЙ) қабул қилинган бўлиб, унда учрайдиган нуқсонларга қарамасдан яқин йилларгача қўлланиб келинди.

Турли озуқламиング тўйимлилигига баҳо бериш борасида изланишларга О.Кельнер бутун умрини бағишилади. Кельнер, XIX асминг охири ва XX асминг бошларида катта ёшдаги ахта қилинган бўрдоқига боқилаётган новвосларда мувозанатли тажрибалар ўтказиш йўли билан, турли Озуқаларнинг энергияли тўйимлилигига баҳо беришда 1 кг картошка крахмалининг бўрдоқидаги қорамол организмида ҳосил қиласидиган ёғ миқдорини бирлик қилиб олишни тавсия қиласиди. Скандинавия мамлакатларида 1915 йилдан бошлаб 1 кг куруқ табиий ҳолатдаги арпа донининг тўйимлилиги 1 озуқа бирлиги деб қабул қилинди.

Озуқаларнинг тўйимлилигига баҳо беришда Е.А.Богданов бошчилигидаги бир гурӯҳ рус олимлари совет озуқа бирлигини яратдилар. Бунда 1933 йилдан бошлаб 1 кг табиий ҳолатдаги стандарт сули донининг тўйимлиги 1 озуқа бирлиги деб қабул қилинди.

Озуқлантириш фанининг ривожланишда рус олимни Н.П. Чирвинский биринчи бўлиб, ҳайвонлар организмида ёғламинг ҳосил бўлишида фақат ёғ ва оқсил эмас, балки углеводлардан ҳам ёғ ҳосил бўлишини илмий жиҳатдан асослаб берди.

Ҳайвонларни озуқлантириш фанининг тараққиётига бутун умрини бағишилаган олимлардан академик И.П.Поповни кўрсатиш мумкин. У бутун илмий изланишларини Озуқаларнинг тўйимлилигини ўрганишни ва ҳар хил ҳайвонлар учун озук нормаларини яратишни такомиллаштиришга бағишилади. Озуқлантириш фанининг ривожланишида бошқа соҳа олимлари, жумладан, рус физиологи, академик И.П.Павловнинг ҳиссаси ҳам бордир. Павлов турли озуқлами озуқа ҳазм қиласидиган ферментлар

ишлиб чиқарувчи безламинг фермент ишлиб чиқариш жадаллигига таъсирини ўрганган.

Ўрта Осиё шароитида пахтачилик саноати чиқиндиларидан чорва молларини боқишида фойдаланиш борасида К. К. Карибаев кўп илмий текшириш ишларини олиб борган ва бу борадаги йўналишлами айримларига асос солган.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик молларини озуклантириш бўйича Ўзбекистоннинг бошқа етук олимлари ҳам анчагина илмий изланишлар олиб борганлар. Шунинг учун ушбу қўлланмада Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институти, Самарқанд ва Тошкент қишлоқ хўжалик олийгоҳлари олимларининг соҳа бўйича олиб борган ишларидан фойдаланилган.

Ушбу фаннинг ривожланишида бошқа соҳа олимларининг ҳиссалари ҳам мавжуд. Жумладан Антиони ван Левенгук (1632-1723) томонидан 300 марта каттартириб қўрсатадиган микроскопнинг яратилиши, рус биокимё соҳаси олими А.Л.Донилевскийнинг оқсил молекулалари ўзаро пептид боғламлари орқали бир-бири билан бирикканлиги ҳақидаги назарияси, Н.И.Лунин томонидан витаминлами кашф этилиши, 1780 йилда француз олими А.Л.Лавуазье томонидан инсон ва Ҳайвонларнинг нафас олиш жараёнида кислородни қабул қилиши ва СО<sub>2</sub> газини чиқариши, озукабоп антибиотиклари ўрганишга бағишланган Н.А.Красильниковнинг ишларини қайд қилиш мумкин.

#### **1.4. Германиянинг Озуқаларнинг тўйимлилигига баҳо беришнинг янги замонавий тизими**

Германиянинг янги энергетик озук бирлиги тизими. Германиядаги О.Кельнер номидаги қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуклантириш институтида 1971 йилда янги энергетик озук бирлиги (ЭОБ) қабул қилинди. Бу бирликни яратишида Кельнер номли институтнинг олимлари янги замонавий распирацион аппаратлар ёрдамида Кельнер ва Армсбиламинг кавшовчи ҳайвонларда озуқалар таркибидаги ҳазм бўладиган тўйимли моддаламинг ёғ ҳосил қилиш қобилияти ва соф энергия миқдорларини аниқлаш бўйича тажрибалами тақрорладилар. Чўчқа ва паррандалар учун Озуқаларнинг энергетик тўйимлилигига баҳо беришда янгидан қўплаб тажрибалар ўтказдилар. Шундай қилиб, собиқ ГДРда Озуқаларнинг энергетик тўйимлилигига баҳо берадиган иккита ЭОБ яратилди<sup>2</sup>.

Чўчқа ва товуқлар учун эса 1 ЭОБ 3,5 М кал ёки 14,6 мЖ НЭЖга

---

<sup>2</sup> VAYNSHTEFAN AMALIY F ANLAR UNIVERSITETI TRISDORF FILIAL I, GERMANIY A Durst L., Viltman M

тeng бўлади. Озуқаларнинг тўйимлилиги ҳақидаги жадвалларда юқоридаги хусусиятлар акс этган бўлади. Озуқаларни тўйимлилигига баҳо беришнинг бу янги усули энергетик озуқ бирлиги (ЭОБ), 1 кг қуруқ моддадаги энергия концентрацияси, энергиянинг ҳазм бўлиши (ЭХБ), ҳазм бўладиган тозаланмаган протеин (ХБТП), протеин энергия нисбати (ПЭН) сингари кўрсаткичлами ўз ичига олади. Бу янги бирлик билан ҳар хил маҳсулдорлиқдаги Ҳайвонларнинг энергияга бўлган талаби аниқланади, ҳамда Озуқаларнинг тўйимлилигига баҳо берилади.

Чўчқа ва паррандаларни протеинга бўлган талабини ҳисобга олишда уларнинг аминокислоталарга бўлган талаби ҳам ҳисобга олинган. Бундан ташқари янги ЭОБ усули Ҳайвонларнинг минерал моддаларга, витаминларга ва бошқа биологик фаол моддаларга бўлган талабини ҳам ҳисобга олган.

### **1.5. Озуқаларнинг тўйимлилигига баҳо беришнинг деталлаштирилган тизими**

Бу фанинг бош таълимоти конкрет ҳайвоннинг муайян шароитда энергия, протеин сингари тўйимли моддаларга, макро-микроэлементларга, витаминларга ва бошқа биологик фаол моддаларга бўлган талабини аниқлаш ва шулар асосида деталлаштирилган озиқ нормасини яратишdir.

Ҳозирги вақтда қўлланилаётган деталлаштирилган озуқ нормаси нафақат қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуқлантириш ҳақидаги фанинг ютуғи бўлмай, балки ҳайвонлар физиологияси, биокимёси сингари қўплаб таълимотламинг жамлаштирилган ютуғидир дейди, Г.А.Богданов (1981).

Бу сафарги деталлаштирилган озуқа нормасини яратилиши озуқлантириш ҳақидаги фанинг ривожланишида янги бир босқичидир. Бу сингари деталлаштирилган озуқ нормасини яратилиши эмас, ҳаттоқи шунга киритилган кичик бир тузатиш ҳам озуқлантириш ҳақидаги фанда катта бир ютуқ деб ҳисобланади. Лекин бу ютуқлами қўлга киритишида ем-хашакламинг кимёвий таркибини ўрганиш, улардаги тўйимли моддалар, макро-микроэлементлар, витаминлар миқдорини аниқлаш ҳамда булар асосида турлича Озуқаларнинг энергияли, протеинли, минерал ва витаминли тўйимлигига баҳо бериш сингари таълимотлар ҳам шу фанинг вазифасидир<sup>3</sup>.

1970-1980 йилларда механизация ва автоматизациядан кенг қўлланиш борасида кўп ишлар қилинди. Шунинг учун илфор тажриба асосида ем- хашак тайёрлаш ва бу Озуқаларни ҳар хил ҳайвонларга

<sup>3</sup> VAYNSHTEFAN AMALIY F ANLAR UNIVERSITETI TRISDORF FILIAL I, GERMANIY A Durst L., Viltman M

едиришга тайёрлаш ҳақидаги таълимотлами ҳам қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуклантириш ҳақидаги фан ўргатади.

Чорвачилик соҳасини саноат асосига ўтказиш Ҳайвонларнинг эркин ҳаракатланиши ва яйловлардан фойдаланиш ҳолатини чеклаб қўйди. Оқибатда, сермаҳсул чорва моллари, серсут сигирлар турли касалликларга чалина бошланди. Шунинг учун чорвачилик комплексларида ва саноатлаштирилган йўналишда ишлайдиган чорвачилик хўжаликларида Ҳайвонларнинг соғломлигини сақлаш ва улардан фойдаланиш муддатини чўзишга эътибор қаратмоғи лозим. Саноатлаштирилган йўналишда ишлайдиган хўжаликлардаги ҳайвонлар касалликларининг аксарияти қишлоқ хўжалик ҳайвонларини боқищ билан боғлиқ бўлган турли витаминалар, макро ва микроэлементламинг етишмаслиги ҳамда ҳайвон танасидаги модда алмашинувининг бўзилишидан келиб чиқади. Шунинг учун чорва молларини барча талабларини ҳисобга олиб, тузилган деталлаштирилган озуқа нормаси асосида тўла қимматли рационлар билан боқищ, авитаминоз, макро ва микроэлементламинг етишмаслигидан келиб чиқадиган касалликлами ҳамда модда алмашинуви касалликларини олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Юқоридаги қайд қилинганлардан кўриниб турибдики, чорва молларини маҳсулдорлигини оширишда ҳал қилувчи омил бўлиб, уларни тўлақимматли рационлар билан боқищ ҳисобланади. Чорвачилик маҳсулотларининг таннархини кўп қисмини ем-хашак ҳаражати эгаллади. Бу борада озуқа сифати катта ўрин тўтади. ГА.Богдановнинг (1981) маълумоти бўйича сут етиштиришда сут таннархи таркибининг 50-55 фоизини, қорамол гўшти етиштиришдаги гўшт таннархининг 65-70 фоизини ва чўчқа гўшти етиштиришда 70-75 фоизини ем-хашакнинг қиммати ташкил қиласи.

### **Назорат саволлари:**

1. Скандинавия озуқа бирликлари?
2. Озуқаларнинг тўйимлилигига баҳо бериш?
3. Германиянинг Озуқаларнинг тўйимлилигига баҳо беришнинг янги замонавий тизими?
4. Англия ва АҚШ мамлакатларида Озуқаларни тўйимлилигига баҳо бериш тизими?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.“Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуклантириш” 2011 й
2. \*VAYNSHTEFAN AMALIY F ANLAR UNIVERSITETI TRISDORF FILIAL I, GERMANIY A Durst L., Viltman M. “Qishloq ho’jalik hayvonlarini ozuqalantirish”

## **2- Мавзу:Озиқалар таркибини аниқлашнинг замонавий схемаси Режа**

1. Озуқаларнинг протеинли тўйимлилигига баҳо беришнинг янги тасвири
2. Углеводламинг янги классификацияси ва алоҳида гурӯҳлар тавсифи
3. Витаминалар ва бошқа биологик фаол моддаламинг (БФМ) тавсифи
4. Макро ва микро элементламинг аҳамияти

**Таянч иборалар:** протеинли тўйимлилиги, углеводлар, витаминалар, биологик фаол моддалар, макро элементлар, микро элементлар, биологик тўла қимматлилиги, аминокислоталар, азот баланси, протеиндан фойдаланиши коэффициенти.

### **2.1. Озуқаларнинг протеинли тўйимлилигига баҳо беришнинг янги тасвири**

**Протеинлар ва уларнинг алмашинуви.** Протеинлар аминокислоталардан таркиб топган юқори молекулали бирикма. Протеиндаги аминокислоталаминг кетма-кетлиги генетик жиҳатдан аниқланади. Бу тадрижийликнинг ҳатто озгина ўзгариши ҳам протеин вазифасини ўзгартиради ёки уларнинг рўёбга чиқишини мумкин бўлмаган ҳолатга келтиради. Протеинлар моддалар алмашинуvida турли функциялами бажаради. Ҳақиқатан ҳам, ферментлар сифатида улар катализаторлар функцияси, суяклар, составлар, тери, соч, пат, жуннинг органик матритсаси ҳимояланган ва таянч функцияси, шунингдек, қатор гармонламинг фаол маркази ҳисобланади. Бундан ташқари, протеинлар мускулламинг ҳаракатлантирувчи функциясининг рўёбга чиқишида ва ҳайвонлар организмининг иммун ҳимоясида катта рол ўйнайди. Аминокислотанинг асосий структураси водород атоми аминогурухининг ўмини босадиган карбон кислота ҳисобланади. Функционал фаол оқсиллар фақат аминокислоталардан ташкил топган бўлиб, уларда аминогурух карбоксил гурухига нисбатан а-холатида бўлади. Протеинларда, асосан, !л-қатордаги аминокислоталар бўлади. Аминокислоталар углеродли занжиринг узунлиги ва тузилиши, шунингдек, углеводородли бирикмаларда функционал гурухларинг ( $\text{SH}$ ,  $\text{NH}_2$  ва бошқалар) мавжудлиги билан фарқланади. Кимёвий моддалар билан иситиш ёки таъсир этиш протеиннинг ички таркибини кескин ўзгартириши мумкин. Бу жараён денатуратсия деб аталиб, бир камерали ошқозонга эга бўлган ҳайвонларда протеиннинг ҳазм бўлувчанлиги ва

кавш қайтарадиган Ҳайвонларнинг мураккаб ошқозонида унинг эрувчанлигига таъсир қиласи. Аминокислоталаминг бир қисми ҳайвон организмидаги моддалар алмашинуви жараёнида бошқа аминокислоталардан ёки аминогурухламинг  $\text{NH}_2$  кислотага бирикиши қайта аминатсия йўли билан синтезланishi мумкин. Алоҳида аминокислоталар, албатта, овқат билан бирга бир камерали ошқозонга эга бўлган ҳайвонлар организмига тушиши керак, сабаби улар моддалар алмашинуви жараёнида бошқа бирикмалар билан синтезлашмайди. Бу аминокислоталаминг жуда муҳим хусусияти ҳисобланади. Моногастроник ҳайвонлар учун изолейсин, лейсин, лизин, метионин, фенилаланин, треонин, триптофан, валин, чўчқалар ва каламушлар учун эса яна гистидин ҳамда аргининжуда керакли ҳисобланади. Систин, системин ва тизозин аминокислоталари фақат аминокислотадан синтезланади ва ярим ўмини босувчилар деб тасниф этилади. Ёш паррандалар озуқа билан глисин аминокислотаси қабул қилиши зарур. Озуқалар таркибидаги оқсилиларда анча миқдорда аланин, испарагин ва глутамин кислоталари, пролин, серин каби аминокислоталар ўмини босувчилар мавжуд. Абсорбсиядан кейин аминокислоталар турли оқсилини синтезлашда фойдаланийади. Аминокислоталар организм учун зарур бўлган протеинлар тузилишида фойдаланилмаган аминокислоталар глукоза ёки ёғлар ҳосил қилишга сартланади. Глукозалами ҳосил қилишда глисин, аланин, серин, треонин, валин, глутамин ва аспарагин кислоталаридан, аминокислоталар ёғни ҳосил қилиш учун эса лейсин, фениланин ва тирозин аминокислоталаридан фойдаланиш мумкин. Бунда аминогурух сут эмизувчи ҳайвонлар жигаридаги карбамидга (мочевинага), паррандалар эса сийдик билан ташқарига чиқиб кетадиган сийдик кислотасига айланади<sup>4</sup>.

**Амидлар.** Булар оқсилиламинг неорганик бирикмалардан синтез бўлишидаги оралиқ моддалар ҳисобланади. Шунинг учун амидлар ўсишдан тўхтамаган қўк ўтлар ҳамда бактерия ва ферментлар таъсиридан парчаланиш жараёни кетаётган озуқлар (силос) таркибидаги кўп учрайди. Бу гурухга киравчи моддаламинг энг кенг тарқалганлари аспарагин ва глутамин кислоталаридан. Бу аспрагин ва глутамин кислоталари аминокислоталар каби оқсилиламинг таркиби сифатида учраши мумкин. Эркин амидлар ҳолатида учраганда эса трансаминланиш реакцилсининг боришида иштирок этади.

---

<sup>4</sup> VAYNSHTEFAN AMALIY FANLAR UNIVERSITETI TRISDORF FILIAL I, GERMANIYADURST L., Viltman M

**Мочевина** ҳам амидларга киради. Бу бүгдой, соя, картошка ва карамларда учрайди. Ҳайвонлар организмида эса (сүт эмизувчиларда) азот алмашинувининг сўнгги маҳсулоти сифатида учрайди. Кимёвий саноатларда мочевина сунъий йўл билан олинади. Буни *карбамид* ҳам дейилади ва кавш қайтарувчи ҳайвонлар рационида протеин етишмаган тақдирда протеинли қўшимча сифатида қўлланилади. Баъзан мочевинанинг (карбамиднинг) ўмига бошқа азотли бирикмалардан аммоний сульфати, диаммоний фосфат, мочевина фосфати, аммоний бикорбонат тузи сингари бошқа қўшимчалар ҳам қўлланилиши мумкин. Кавшовчи ҳайвонлар катта қорин фаунасининг айрим ачитқи бактериялари ажратган уреаза ферменти таъсиридан карбамид ва шу сингари азотли бирикмалар парчалар аммиак ҳосил бўлади. Бу бактериялар ўзларининг тана оқсилини синтез қилишда ўша аммиаклардан фойдаланадилар. Кавшовчи Ҳайвонларнинг кунлик протеинга бўлган талабини 25-30 фоизи карбамид ҳисобига тўлдириш мумкин. Карбамид ва бошқа азотли бирикмалардан фойдаланишда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Кунлик карбамид микдорини тўртга бўлиб аниқ вақтлар оралиғида концентрат озуқаларга кўшиб берилади. Кавш қайтарувчи Ҳайвонларнинг 1 кг тирик массасига бир кун 0,2 грамм корбамид едириш мумкин. Карбамидни олти ойгача бўлган ёш кавшовчи ҳайвонларга, касал, буғоз молларга едириш мумкин эмас. Карбамидан фойдаланиш рацион таркибида етарли микдорда қанд, крахмал, макро ва микроэлементлар ҳамда витаминлар бўлган тақдирда самарали бўлади. Юқоридаги қоидаларга амал қилинмаган шароитда ҳайвонлар карбамидан заҳарланиши мумкин.

**Нитратлар.** Булар ўсимликлар таркибида кўплаб учрайди. Улар заҳарли эмас. Кавш қайтарувчи Ҳайвонларнинг катта қомида ўсимлик нитратларидан аммиак ҳосил бўлиши қўйидаги тасвирда боради:

*Нитрат→ нитрит→гидроксиламин→аммиак*

Бу жараён кавшовчи ҳайвонлар катта қомида микроорганизмлар томонидан етарли микдорда қанд моддаси бўлганда ва катта қорин химусининг муҳити  $M=5,5-6,7$  бўлгандагина равон боради. Рацион таркибида қанд моддаси етишмаганда ёки химус муҳити суст июқорий бўлганда бу жараён нитритлар ҳосил бўлиши билан тўхтаб қолади. Нитритлар таъсиридан эса каротиндан витамин А ҳосил бўлиш жараёни бўзилади. Бунинг оқибатида гемоглобин ўз фаолиятини йўқотади.

Карбонат ангидрид газини ўпка альвеолаларида кислородга алмаштира олмайди. Бу ҳолатдаги гемоглобинни метгемоглобин дейилади. Кон таркибида метгемоглобиннинг микдори 75% дан ошганда ҳайвонлар

кислород етишмаслигидан қалтирайди, юрса тўқинади ва нафас олиши тезлашиб мол ҳалок бўлиши мумкин.

**Алкалоидлар.** Алкалоидлар баъзи бир ўсимликлар таркибига кириб ҳайвонлар бу ўсимликлами истеъмол қилганларида захарланадилар. Қуйида биз баъзи бир ўсимлик ва улар таркибидаги алкалоидлами келтирамиз (6 - жадвал).

#### 6-жадвал


##### *Ўсимликлар таркибида учрайдиган асосий алкалоидлар*

Алкалоидлар	Ўсимликлар
Конин	Оқбош
Никатин	Тамаки
Рицинин	Костор дуккаги
Атропин	Беладонна ўсимлиги
Какаин	Какин япроқлари
Хинин	Хин дараҳтининг пўстлоғи
Морфин	Кўкнори кўсагидан олинади
Соланин	Хом картошка нишларида бўлади

**Тозаланмаган ёғлар.** Бу гурӯҳга жуда кўп ҳар хил моддалар кириб уларнинг умумий хусусияти шуки, сувда эримайдилар, улар фақатгина органик эритгичлар (бензин, эфир, хлороформ, бензол ва ҳ.к.)да эрийдилар. Тозаланмаган ёғлар ўсимлик ва ҳайвон танасида кенг тарқалган бўлиб, зооанализда ем-хашак намунасидағи тозаланмаган ёғлар миқдорини эфирда ҳайдаш йўли билан аниқланади. Эфир эритмасига ўтган ҳамма моддалами шартли равишда тозаланмаган ёғлар дейилади. Бу гурӯҳга нейтрал ёғлар, мумлар, пигментлар, А, Д, Е, К витаминлари, қатронлар, фосфатидлар, стеринлар, эфир ёғлари ва жинсий гормонлар киради.

Тозаланмаган ёғлар уч гурӯҳ бўлинади: *липидлар, стеринлар ва ранг берувчи моддалар* (1-тасвир).

#### Тозаланмаган ёғ



1-тасвир. Ёғлар классификацияси.

**Ёғлар ва мойлар.** Ёғлар ва мойлар бир хил тузилишга ва кимёвий таркибиға эга, лекин улар таркибидаги ёғ кислоталари бўйича бир-биридан фарқ қиласидилар ва шу билан бир қаторда уларнинг физикавий хоссалари ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, мойлар (масло) оддий шароитда суюқ ҳолда бўлади. Ёғлар эса қуюқ ва баъзан қаттиқ ҳолда ҳам бўлади. Мойлар ўсимликлар таркибидаги жуда кўп бўлиб, аксарият, захира модда сифатида учрайди. Шунинг учун ўсимлик ёғлари кўпинча мойлар деб аталади. Мойлар ўсимликламинг деярли ҳамма қисмида учрайди. Масалан, барг, поя ва илдизларда унинг миқдори 2% га яқин бўлса (қуруқ моддада), мева ва уруғларда 50% ва ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин 7-жадвал.

#### 7-жадвал

#### **Ҳар хил ўсимликлар уруғи таркибидаги мой миқдори (қуруқ моддада % ҳисобида) (Имомалиев А. (1978) маълумоти)**

Ўсимликлар уруғи	Мой миқдори
Ер ёнгок	40,2-60,7
Канакунжут	45,1-58,5
Наша ўсимлиги	30,0-38,9
Кунжут	46,2-61,0
Зифир	36,8-49,5
Кўкнори	42,5-57,0
Ёнғоқ	60,0-74,5
Индов	38,0-49,5
Ғўза	17,2-28,3
Кунгабоқар	23,5-45,0

Ёғ кислоталари таркибидаги бир атом углеродга икки атом ва ундан кўп водород тўғри келса, уларни тўйинган ёғ кислоталари дейилади. Агар бир атом углеродга иккитадан кам водород тўғри келса бундай ёғ кислоталами тўйинмаган ёғ кислотаси дейилади. Ёғлар таркибидаги 30 дан ортиқ ҳар хил ёғ кислоталари мавжуддир.

Ўсимлик мойлари аралаш ёғ кислоталаридан иборат триглициридалардан ташкил топган. Аралаш ёғ кислотали мойларга пахта мойи мисол бўлиши мумкин. Пахта мойида деб ёзади Л.П.Беззубий (1956) 40-45% линолат, 30-35% олеинат ва 20-22% пальмитат ёғ кислоталари бўлади.

Ҳозиргача 1300 хилдан ортиқ ёғлар маълум бўлиб, улар таркибидаги

ёғ кислоталар ва ҳосил қилган глициридларининг турига қараб бир-биридан фарқ қиласи. Линолат, линоленат ва арахидонат ёғ кислоталарининг молекуляр тузилишида иккитадан ортиқ қўш белбоғлари бор. Шунинг учун улар ярим тўйинмаган ёғ кислоталари гуруҳига киради. Ўсимлик ва ҳайвон организмидаги мойлар таркибига оддий молекуляр тузилишдаги тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталари киради.

Ёғлар жуда калорияга бой модда бўлиб 1 г ёғ организмда тўлиқ оксидланганда 38 кЖ, 1 г углеводдан эса 17,2 кЖ энергия ажralиб чиқади.

**Мумлар.** Мумлар оддий липидлар гуруҳига мансуб бўлиб, юқори молекуляр бир атомли спиртлар ва юқори молекуляр ёғ кислоталаминг эфири ҳисобланади. Мумлар таркибida церонлар деб аталадиган мураккаб эфирлар, оз миқдорда спирт, эркин ёғ кислоталари ва қисман тоқ карбон атомларидан (C<sub>27</sub> дан C<sub>33</sub> гача) иборат бўлган углеводородлар ҳамда қисман бўёвчи ва хушбўй моддалар учрайди. Мумлар оддий ҳолатда қаттиқ бўлади. Ўсимликларда сувни ортиқча буғланиб кетишдан асрайдилар. Ҳайвонларда эса жундаги мум қатлам ўзига сув юқтиромай жунлами сувда ивишидан сақлайди. Мумлар ҳайвон организмida жуда қийин парчаланади. Шунинг учун унинг озуқбоплик аҳамияти йўқ.

**Фосфолипидлар ва фосфатлар.** Булар жуда муҳим физиологик аҳамиятга эга бўлган бирикмалар бўлиб, улар ҳам худди ёғлар каби юқори молекуляр ёғ кислоталаминг кўп атомли спиртлар билан ҳосил қилган мураккаб эфиридир. Улар таркибida қўшимча равишда фосфат кислота қолдиги ва асослар бўлади. Фосфатидлар ва фосфолипидлар таркибida углерод, водород ва кислороддан ташқари азот ва фосфор элементлари учрайди. Фосфатидлар дуккакли ва мош ўсимликлар уруғига ҳамда паррандалар тухумида кўп бўлади. Масалан, чигитда 1,7-1,8%, нўхатда 1,0-1,1%, буғдойда эса 0,4-0,5% ни ташкил қиласи. Фосфатидлар бошқа липидлар билан биргаликда хужайра периферик қатламларида липоид қобигини ташкил қиласи.

**Гликолипидлар.** Гликолипидлар мураккаб ёғлар гуруҳига кириб, глицериннинг бирор шакар билан бирикишидан ҳосил бўлади. Кўпинча ўсимлик гликолипидлари таркибida галактоза шакари учрайди. Таркибida галактоза шакари учрайдиган гликолипидлами галактолипидлар дейилади. Гликолипидламинг энергетик тўйимлилига ёғламики сингари, лекин уларнинг биологик аҳамияти юқоридир. Айниқса, гликолипидлар ўсимликлар баргида кўплаб учрайди (баргларда фосфолипидларга

қараганда беш маротаба кўп учраши аниқланган). Сўнгги йилларда ўсимлик хлоропластлари таркибида олтингугурт тутувчи гликолипидлар (сульфолипидлар) топилган. Шунинг учун улар ўсимликлар фотосинтетик аппаратининг фаолиятида муҳим аҳамияти бор, деб тахмин қилинади.


**Стеринлар** ҳар кандай ёғлар таркибида нейтрал ҳарактерга эга бўлган совунланмайдиган моддалар бўлади. Бу моддалар таркибига бошқа моддалар билан бир қаторда, мураккаб тузилишга эга бўлган гидроароматик спиртлар ҳам киради. Буларни стеринлар дейилади. Ҳайвонлар ёғида, нерв тўқималарида ва ўт суюқлиги таркибида холестерин (Зоостерин) кенг тарқалган. Ўсимлик ёғларида эса ситостерин (фитостериин)лар учрайди. Ҳайвонлар организмида кенг тарқалган холестерин, кейинги йилларда ўсимликлар гулининг чангдонида, ловиянинг уруғпалла баргларида ва картошкада бўлиши аниқланган. Фитостеринлар ҳайвонлар организмда топилмаган, демак бу моддалар ичаклардан қонга сўрилмайди. Шунинг учун уларнинг энергетик қиммати ҳам йўқдир. Лекин уларнинг биологик аҳамияти жуда каттадир. Стеринлар (фитостеринлар) оксиллар билан мураккаб комплекс бирикмалар ҳосил қилиб, модда алмашинувини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужайра мембрраналарининг тузилишида иштирок этади. Бундан ташқари улар аниқланишича, ўсимликлами ўсиш ва ривожланиш жараёнларида фаол иштирок этади.

**Ранг берувчи ва бошқа моддалар.** Ўсимликлар уруғидан ёғлами олишда ёғларга аралашган ҳолда турли ранг берувчи моддлар ҳам учрайди ва тозаланмаган ёғламинг рангини ифодалаб туради. Буларнинг ичидаги кенг тарқалганлари хлорофиллар, каратиноидлар, гассипол ва шу сингарилардир.

Тозаланмаган ёғлар таркибига булардан ташқари ёғда эрийдиган витаминалар (А, Д, Е, К) ҳам киради. Буларнинг ёғлар таркибидаги миқдори жуда кам бўлади.

Демак, юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, ҳар хил озуқадан олинган тозаланмаган ёғламинг таркиби турлича бўлиб, уларнинг энергетик қиммати ҳам ҳар хилдир. Мъълумки, мумлар ва стеринламинг энергетик қиммати йўқ. Шунинг учун баъзи бир ўсимликлар таркибида мумлар ва стеринламинг кўп бўлиши зооанализда озуқа таркибидаги тозаланмаган ёғ миқдорини кўпайиб кетишга ва оқибатда озуқанинг тўйимлилик миқдорини ёлғондан ортиб кетишига сабаб бўлади.

**Углеводлар.** Углеводлар ўсимликлар таркибида кенг тарқалган органик бирикма бўлиб, ўсимликлар кимёвий таркиби бўйича қурук модданинг 80-90% ни углеводлар ташкил қилиши мумкин. Углеводлар фотосинтез жараёнининг асосий маҳсулидир. Фотосинтез жараёни ўсимликламинг асосан, япроқларида ҳаводан оладиган  $\text{CO}_2$  гази, илдиз орқали сўрилган сув ва қуёш нуридан олинадиган иссиқлик энергияси таъсиридан рўй беради:



Организмда ёғлар ва протеинлар алмашинувининг бўзилишига кўпинча рационда углеводламинг етишмаслиги сабаб бўлади, чунки ёғлар ва протеинламиング алмашинувида углеводлар фаол қатнашади. Бундан ташқари, углевод молекулалари оқсил ва нуклеин кислоталаминг мураккаб занжирларида қурилиш материаллари сифатда ҳам қатнашади.

Углеводламинг кўпчилиги ўсимликларда захира модда сифатида тўпланади. Углеводлар углерод, водород ва кислород элементларининг бирикишидан ҳосил бўлган бўлиб, умумий формуласи  $\text{C}_n(\text{H}_2\text{O})_n$  дир. Углеводламинг ўсимликлар ва ҳайвонлар организмидаги асосий хоссаси қўйидагилардир:

- 1. Энергия манбаи сифатида;*
- 2. Ўсимликларда таянч модда сифатида (клетчатка);*
- 3. Захира модда сифатида (гликоген, крахмал);*
- 4. Махсус ҳусусиятлар-ҳайвонлар организмида*

Бир турдаги аминокислотадан бошқа турдаги аминокислоталаминг ҳосил бўлишида, ҳамда, ҳайвонлар организмида суюкламиング минераллашувида иштирок этади. Булардан ташқари кавшовчи Ҳайвонларнинг катта комида ва меъдаси бир бўлимли Ҳайвонларнинг кўр ичакларида яшайдиган кўплаб ҳар хил микрофлораламинг меъёрида ривожланиши учун ҳам углеводлар жуда зарурдир. Бу микрофлоралар озуқа орқали ошқозонга келаётган углеводламинг турига жуда сезирдирлар. Зоотехник анализда углеводлар азотсиз экстракт моддаларга ва тозаланмаган клетчаткага бўлинади. Озуқа намунаси 30 дақиқа давомида 1,25% сульфат кислотаси эритмасида сўнгра суюлтирилган ишқорда қайнатганда, кейин сувда, спиртда ва эфирда чаиқаганда эримай қолган ҳамма қолдиқ моддалами тозаланмаган клетчатка дейилади. Тозаланмаган клетчатканинг асосини целюлоза ва лигнин ташкил қиласи. Лекин хужайра деворидаги бу целюлоза ҳар доим бошқа полисахаридлар (гомополисахаридлардан пентозанлар, гексозанлар, гетерополисахаридлардан гемицелюлозалар ва бошқа полисахаридлар)

билин бириккан ҳолда учрайди. Клетчатканинг таркибида баъзи бир азотли ва минерал моддалар ҳам бўлади.

**Азотсиз экстракт моддалар.** Бу гурух тозаланмаган ёғ ва тозаланмаган клетчаткадан ташқари ҳамма азотсиз моддалами ўз ичига олади. Азотсиз экстракт моддалар (АЭМ) гуруҳига кирадиган ҳамма бирикмалар ҳар хил полимерликдаги углеводлар бўлиб, уларга моновида дисахарид, три ва тетросахаридлар ҳамда полисахаридлар киради.

**Озукалар таркибидаги АЭМлар қўйидаги гурӯҳларга бўлинади:**

Моносахаридлар:

Диозалар ( $C_2H_4O_2$ )

Триозалар ( $C_3H_6O_3$ )

Тетрозалар ( $C_4H_8O_4$ )

Пентозалар ( $C_5H_{10}O_5$ )

Арабиноза

Ксилоза

Рибоза

Гексозалар ( $C_6H_{12}O_6$ )

Глюкоза

Фруктоза

Манноза

Галактоза

Сарбоза

Дисахаридлар: ( $C_{12}H_{22}O_{11}$ )

Сахароза

Малтоза

Лактоза

Целлобиоза

Трегаллоза

Трисахаридлар: ( $C_{18}H_{32}O_{16}$ ), рафиноза

Тетрасахаридлар: ( $C_{24}H_{42}O_{21}$ ) стахиоза

Гомополисахаридлар:

Пентозанлар ( $C_5H_8O_4$ ) $n$ ; Гексозанлар ( $C_6H_{10}O_5$ ) $n$

Арабан

Декстрин

Ксилан

Крахмал

Пектин моддалари

Инулин

Гликоген ва бошқалар Гетерополисахаридлар:

гемицеллюлозалар,

елимлар,  
шилимшиқ моддалар,  
мукополисаҳаридлар ва бошқалар киради.

**Моносахаридлар.** Моносахаридлар молекуласида углеродлар 2 дан 6 атомгача бўлиши мумкин. Водороднинг кислородга бўлган нисбати эса 2:1 бўлади.

Моносахаридлар таркибидаги углевод занжирининг узунлигига, яъни углерод атомларининг сонига қараб фарқ қиласди. Чунончи:

*икки углеродди бирикмалар - диозалар  
уч углеродди бирикмалар - триозалар  
турт углеродди бирикмалар - тетрозалар  
бёш углеродди бирикмалар - пентозалар  
олти углеродди бирикмалар – гексозалар дейилади.*

Табиатда моносахаридлардан пентозалар ва гексозалар кенг тарқалган.

**Пептозалар.** Ҳайвон озуқланишида энг кўп аҳамиятга эга бўлган пентозалар арабиноза, ксилоза ва рибозалардир. Бу қандлар кўпинча углеводламиング парчаланишидан ҳосил бўлган қолдик моддалар сифатида учрайдилар. Рибоза организмнинг ҳамма ҳужайраларида МК нинг компоненти сифатида учрайди. Бундан ташқари рибоза баъзи витаминлар ва коферментламиング таркибида ҳам учрайди.

**Гексозалар.** Бу гурухга мансуб бўлган углеводлардан табиатда энг кенг тарқалганлари глюкоза ва фруктозадир. Кавшовчи моллар катта қомида яшовчи микрофлоралар ва ҳар хил бактериялар шу сингари қандлами парчалайдилар. Натижада сут кислотаси ва бошқа учувчи ёғ кислоталари ҳосил бўлади. Шунинг учун рацион таркибида моносахаридламиング кўп бўлиши кўплаб сут кислотаси ва бошқа учувчи ёғ кислоталарини ҳосил бўлишига олиб келади, бу эса ҳайвон организми учун зарарлидир. Катта қориндаги аирим моносахаридлар, ачитқилар ва замбуруғлар томонидан бижғитилиб ҳар хил газлар (асосан  $\text{CO}_2$ ) ва кислоталар ёки спиртлар ҳосил қиласди. Турлича ачитқилар ўзига хос углеводламигина бижғитади. Баъзи турдаги ачитқилар фақат Тексозалами парчаласа қолганлари эса пентозалами парчалайди, яна бошқа турлари эса пентозалами ҳамда гексозалами бижғитади<sup>5</sup>.

**Дисахаридлар ва трисахаридлар.** Дисахаридлардан ўсимликлар таркибида энг кўп учрайдиган сахарозадир. У қанд лавлаги таркибида кўп учрайди. Сут эмизувчи ҳайвонлар сутида сут шакари-лактоза учрайди. У

<sup>5</sup> VAYNSHTEFAN AMALIY F ANLAR UNIVERSITETI TRISDORF FILIAL I, GERMANIY A Durst L., Viltman M

ёш, янги туғилган Ҳайвонларни озуқланишида жуда катта аҳамиятга эга. Крахмаллами парчаланишидан малтоза, целлюлозанинг парчаланишидан эса целлобиоза ҳосил бўлади.

**Трисахаридлардан** пахта чигатининг таркибида рафиноза бўлади. Рафиноза оз миқдорда қанд лавлаги таркибида ҳам учрайди.

**Полисахаридлар.** Булар сувда эримайди. Ҳазм бўлишида эса моносахаридларгача парчаланади. Полисахаридларга юқоридаги тасвирда кўрсатилгандек пентозанлар, гексозанлар, гемициллюзалар ва бошқалар киради. Бу полисахаридлар қисман сўлак таркибидаги амилаза ферменти таъсиридан оғиз бўшлиғида (чўчқаларда) парчалана бошлайди. Лекин асосан улар ингичка ичакларда панкреатик ва ичак шираси таркибидаги амилазалар таъсиридан моносахаридларга парчалананиб қонга сўрилади.

Ҳайвонларнинг озуқланишида полисахаридлардан энг кўп аҳамиятга эга бўлгани крахмалдир.

**Крахмал.** Крахмал ўсимликламиң мевасида, уруғида ҳамда танасида кўп миқдорда учрайди. Масалан, гуруч ва маккажўхори донида 80% гача, буғдойда 65-70% ва картошка 20% гача крахмал бўлади. Ўсимлик танасида фотосинтез жараёнида ҳосил бўладиган ягона углевод крахмалдир. Крахмал ҳужайрасида доначалар шаклида учрайди. Ҳар хил ўсимликламиң крахмал доначалари йирик, майда бўлиб, шакли юмалок, тухумсимон ва нотўғри шаклда бўлади. Уларнинг катталиги эса 0,002 дан 0,17 мм гача бўлади.

*Крахмалинг икки тури мавжуд:* Биринчиси амилоза бўлиб, бунда глюкопираноза қолдиқлари ўзаро узун шохланмаган занжир шаклида бириккан бўлади. Амилоза иссиқ сувда яхши эрийди ва йод таъсиридан кўк рангга киради. Шунинг учун уни осон ажратиб олиш мумкин. Крахмал таркибида амилоза 15-25% ни ташкил қиласи.

*Иккинчи хил бирикма амилопектин бўлиб,* йод таъсирида бинафша ҳамда қизғиши бинафша рангга киради. Крахмал таркибида амилопектин 75-85% ни ташкил қиласи. Крахмалдаги амилоза ва амилопектиннинг ўзаро нисбати ўсимликнинг турига, навига, ёшига ва ўсиш шароитига боғлиқ бўлади. Крахмал молекулалари ўзаро водород белбоғлари орқали бириккан бўлади. Крахмал доначаларида кристалланган ва аморф қисмлар мавжуддир. Кристалланадиган қисмларда молекулалар жуда жипс жойлашган бўлиб, бошқа турдага молекулалар улар оралиғига жойлаша олмайдилар. Аморф қисмларида эса кичик ҳажмдаги масалан, сув молекуласи улар оралиғига кириб жойлашиши ва шу йўл билан крахмал доначаларининг структурасини бўзиши мумкин. Ҳайвонлар овқат ҳазм қилиш аъзоларида крахмалинг ҳазм бўлиши крахмал доначасининг аморф

қисмларига сув молекуласининг кириши билан бошланади. Энг йирик крахмал донлари картошка ва маккажўхорида бўлса, энг майдаси эса сули, арпа ва гуручларда бўлади. Шу аниқланганки, крахмал доначаларининг тоза йифиндиси қанча кўп бўлса, у шунча тез ҳазм бўлади. Шунинг учун бўлса керак, сули ва арпа дони кўпчилик ҳайвонлар учун диетик озуқа ҳисобланади. Крахмал қиздирилса декстрингача, ферментлар ва кислоталар таъсиридан эса глюкозагача парчаланади. Ем-хашак таркибидаги крахмалнинг миқдори доимий эмас. Уларнинг миқдорига озукани молларга едиришга тайёрлаш ва сақлаш жараёнлари ҳам таъсир этади. Чунки, ўсимликлар танасида крахмални парчалайдиган ферментлар мавжуд бўлиб, улар учун керакли шароит яратилса бас, крахмалнинг кўп қисмини парчалаб юбориш мумкин.

**Гликоген.** Бу полисахарид ҳайвон организмида заҳира озук модда сифатида учрайди. Шунинг учун уни ҳайвон крахмали ҳам дейишади. А.Имомалиевнинг таъкидлашича, у маккажўхори дони ва замбуруғлар таркибида ҳам топилган. Гликоген иссиқ сувда коллоид эритма ҳосил қиласди. Код таъсиридан бинафша ва қизғиши бинафша рангга киради. Гликоген крахмал сингари кислоталар ва ферментлар таъсиридан глюкозагача парчаланади.

**Инулин.** Бу ҳам полисахаридлар гуруҳига кириб, ўсимликлар таркибида заҳира модда сифатида учрайди. У тузилишига кўра крахмал ва гликогенга ўхшайди. Ҳайвон организмида яхши ўзилаштирилади. Инулин ферментлар (инулаза) таъсирида фруктозагача парчаланади. Кислоталар билан гидролизланганда эса фруктофуранозагача парчаланади. Инулин анча кичик молекуляр орғирликка эга, у 35-42 та фруктоза молекуласидан ташкил топган. Унинг таркибида оз миқдорда глюкоза борлиги аниқланган.

**Гемицеллюлозалар.** Булар ҳам ҳужайра деворлари таркибида учрайди. Улар сувда эримайди, лекин июқорий ва кислотали эритмаларда яхши эрийди. Шу хусусияти билан цеплюлозадан фарқ қиласди. Бу гуруҳга кирган бирикмалар гемицеллюлоза деб аталиши нотўғри, чунки улар парчаланганда цеплюлоза ҳосил бўлмайди. Олдинлари гемицеллюлоза парчаланганда цеплюлоза ҳосил бўлади деб юритилар эди. Кейинги йилларда гемицеллюлозалар кислоталар ёрдамида парчаланганда глюкоза, фруктоза, галактоза, манноза ва шу сингари бошқа моносахаридларгача парчаланиши маълум бўлди.

**Пектин моддалари.** Бу моддалар ҳам полисахаридлар гуруҳига мансуб бўлиб, мева, илдизмева ва ўсимлик полларида учрайди. Булар сувда эримайди. Ўсимликлар тўқимаси хлорид кислота билан ишлангандан

сўнг пектин эрувчан ҳолатига ўтади. Озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган пектин олмадан олинади. Кейинги йилларда тарвуз, лавлаги ва кунгабоқардан ҳам пектин моддаси олинмокда.

**Елимлар ва шилимшиқ моддалар.** Булар мураккаб углеводлар бўлиб гетерополисахаридлар туркумига киради, парчаланганда глюкоза, галактоза, манноза ва бошқа моносахаридлар ҳосил қиласди. Булар сувда шишади ва қовушқоқ эритма ҳосил қиласди. Бу елимларга ўриқ, олча, олхўри, бодом ва шафтолиламинг шикастланган жойидан ажралиб чиқкан елим мисол бўлади. Шилимшиқ моддалар эса зифир, сули, беда, ўсимликлари уруғида бўлади.

**Тозаланмаган клетчатка.** Илгарилари тозаланмагай клетчаткани умуман ҳайвон организмида эримайди деб ҳисобланарди. Кейинчалик маълум бўлишича, клетчатка айниқса, кавшовчи молларда яхши ҳазм бўлади.

## 2.2. Углеводламиング янги классификацияси ва алоҳида гуруҳлар тавсифи<sup>6</sup>

**Углеводлар.** Углеводлар ўсимликлар таркибида кенг тарқалган органик бирикма бўлиб, ўсимликлар кимёвий таркиби бўйича қуруқ модданинг 80-90% ни углеводлар ташкил қилиши мумкин. Углеводлар фотосинтез жараёнининг асосий маҳсулидир. Фотосинтез жараёни ўсимликламиング асосан, япроқларида ҳаводан оладиган  $\text{CO}_2$  гази, илдиз орқали сўрилган сув ва қуёш нуридан олинадиган иссиқлик энергияси таъсиридан рўй беради:



Организмда ёғлар ва протеинлар алмашинувининг бўзилишига кўпинча рационда углеводламиング етишмаслиги сабаб бўлади, чунки ёғлар ва протеинламиング алмашинувида углеводлар фаол қатнашади. Бундан ташқари, углевод молекулалари оқсил ва нуклеин кислоталамиング мураккаб занжирларида курилиш материаллари сифатда ҳам қатнашади.

Углеводламиング кўпчилиги ўсимликларда заҳира модда сифатида тўпланади. Углеводлар углерод, водород ва кислород элементларининг бирикишидан ҳосил бўлган бўлиб, умумий формуласи  $\text{C}_n(\text{H}_2\text{O})_n$  дир. Углеводламиңг ўсимликлар ва ҳайвонлар организмидаги асосий хоссаси қўйидагилардир:

---

<sup>6</sup> VAYNSHTEFAN AMALIY F ANLAR UNIVERSITETI TRISDORF FILIAL I, GERMANIY A Durst L., Viltman M

1. Энергия манбаи сифатида;
2. Ўсимликларда таянч модда сифатида (клетчатка);
3. Захира модда сифатида (гликоген, крахмал);

4. Maxsus хусусиятлар-ҳайвонлар организмида бир турдаги аминокислотадан бошқа турдаги аминокислоталарниг ҳосил бўлишида, ҳамда, ҳайвонлар организмида суякламиг минераллашувида иштирок этади. Булардан ташқари кавшовчи Ҳайвонларнинг катта комида ва меъдаси бир бўлимли Ҳайвонларнинг кўр ичакларида яшайдиган кўплаб ҳар хил микрофлораларниг меъёрида ривожланиши учун ҳам углеводлар жуда зарурдир. Бу микрофлоралар озуқа орқали ошқозонга келаётган углеводларниг турига жуда сезгирилар. Зоотехник анализда углеводлар азотсиз экстракт моддаларга ва тозаланмаган клетчаткага бўлинади. Озуқа намунаси 30 дақиқа давомида 1,25% сульфат кислотаси эритмасида сўнгра суюлтирилган ишқорда қайнатганда, кейин сувда, спиртда ва эфирда чаиқаганда эримай қолган ҳамма қолдик моддалами тозаланмаган клетчатка дейилади. Тозаланмаган клетчатканинг асосини целюлоза ва лигнин ташкил қиласи. Лекин ҳужайра деворидаги бу целюлоза ҳар доим бошқа полисахаридлар (гомополисахаридлардан пентозанлар, гексозанлар, гетерополисахаридлардан гемицелюлозалар ва бошқа полисахаридлар) билан бириккан ҳолда учрайди. Клетчатканинг таркибида баъзи бир азотли ва минерал моддалар ҳам бўлади.

### **2.3. Витаминалар ва бошқа биологик фаол моддаларниг (БФМ) тавсифи<sup>7</sup>**

**Биологик фаол моддалар.** Ўсимлик ва ҳайвон танасининг кимёвий таркибини деталлаштирилган тасвирини (З-жадвал) кўрап эканмиз унда органик моддаларга кирувчи биологик фаол моддалар гуруҳини кўрамиз. Озуқаларнинг таркибида биологик фаол моддалар жуда оз миқдорда учрайдилар, лекин уларнинг таъсир доираси жуда кучлидир. Бу гуруҳга кирувчилардан витаминалар ҳаёт учун жуда зарур, гормонсимон моддалар эса организмдаги ҳар хил физиологик жараёнлами кучайтириши ёки сўсайтириши мумкин. Яна шу гуруҳга мансуб бўлган бирикмалардан озуқалар таркибида биологик заҳарлар учрайди. Уларга алкалоидлар, глюкозидлар, эфир мойлари, баъзи бир ферментлар ва уларнинг ингибиторлари сингари моддалар киради.

**Витаминалар.** Витаминалами 1880 йилда Н.И.Лунин кашф этган. Поляк олими Казимир Функ 1911 йилда шоли кепагидан кристал ҳолдаги

<sup>7</sup> VAYNSHTEFAN AMALIY FANLAR UNIVERSITETI TRISDORF FILIAL I, GERMANIY A Durst L., Viltman M

биологик фаол модда ажратиб олишга муваффақ бўлди. Бу модда жуда оз микдорда ҳам бери-бери касаллигини даволашда яхши натижа берди. Шунинг учун Казимир Фунек бу моддани витамин деб атади, чунки унинг таркибида амин гурухини тутувчи органик бирикма борлиги аниқланган. 1913 иидда Мак-Коллум Ҳайвонларни меъёрида ўсиши учун ёғларда эрувчи маҳсус А фактор зарурлигини аниқлади. Кейинчалик бу фактами витамин А деб аталди. Шу сингарилами витамин деб аталмасада баъзи бир касалликларга бирор бир нарсани даволигини одамлар олдиндан билишган. Масалан, цинга касаллигига (авитаминоз С) лимон шарбатининг шифобахшлигини XVII аср бошларидаёқ билишар эди. Ундан ҳам олдин треска балигининг жигари раҳид касдлига даволиги маълум эди. Витаминламинг кимёвий тузилишга маълум бўлгандан сўнг уларга кимёвий номлар ҳам бериладиган бўлди. Ҳозирча 30 дан ортиқ витаминлар аниқланган. Ҳар хил турдаги Ҳайвонларнинг витаминларга бўлган талаби уларнинг ёшига, жинсига ва физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади. Ёш ўсаётган моллар, буғоз ва сут соғдираётган ҳайвонлар ҳамда тухумга кирган паррандалар витаминлами кўпроқ талаб қиласди. Ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги қанча юқори бўлса уларнинг витаминларга бўлган талаби ҳам шунча ортади. Шунинг учун аксарият ҳолларда юқори маҳсулдорли ҳайвонларда витаминлами қисман етишмаслик ҳоллари учрайди. Бу ҳолатни гиповитаминоз дейилади. Бу давр чўзилиб кетса ва янада кўпроқ микдорда витамин етишмаса авитаминоз касаллигини келтириб чиқаради.

Кундалик рацион таркибидаги озуқаларда витаминлар микдори кўплаб ортиб кетса бу ҳолатни гиповитаминоз дейилади. Ҳайвонларда А, Д, В, В<sub>2</sub>, В<sub>3</sub> ва В<sub>6</sub> витаминларини меъёридан бир неча юз марта кўп истеъмол қилинганда гиповитаминоз ҳолатидан модда алмашинувининг бўзилиши кузатилган.

Ҳайвонлар истеъмол қиладиган табиий Озуқаларнинг (айниқса кўк ўтламинг) таркибида витаминлар кўп бўлади. Бундан ташқари ҳайвонлар организимида С витаминининг тўқималарда синтез бўлишини, кавш қайтарувчи Ҳайвонларнинг катта қомида эса микрофлоралар томонидан В гуруҳ витаминламинг ва филлохиноннинг синтезланишини ҳисобга олсак, Ҳайвонларнинг витаминларга бўлган талаби тўла қондирилаётгандек туйилади. Лекин шунга қарамасдан Ҳайвонларнинг витаминлар билан таъминланишини вакти-вакти билан текшириб туриш керак.

Витаминлами кенг қўлланиладиган классификацияси бўйича улар ҳар хил эритмаларда эрувчанлиги бўйича иккита катта гурухга бўлинади:

**Витаминламинг ҳайвон ва ўсимлик органлари ҳамда  
тўқималарида тўпланиши**

Витаминламинг номи	Тўпланиш жойи
<b>Ёғда эрийдиган витаминлар</b>	
Витамин А (ретинол)	Жигар, сут ёғи, тухум сариғи, сигир сути, баъзи ҳайвонлар жигари.
Каротин (провитамин А)	Кўк ўтлар, сабзи, сариқ маккажўхори сўтаси.
Витамин $D_1$ (кальциферол)	Тери, жигар, ультрабинафша нур билан нурланган сут.
$D_2$	Қуёшда қуритилган пичан, хамиртуруш.
$D_3$	Ҳайвонлар териси.
Витамин Е ( $\alpha$ , $\beta, \gamma$ - токофероллар)	Ёғ ва мускул тўқималари, ўсимлик мойи.
Витамин K <sub>1</sub> (филлохинон)	Жигар, қон плаэмаси, ошқозон ости бези, қизил мия, талоқ, паррандалар тухуми ва яшил-япроқлар.
<b>Сувда эрийдиган витаминлар</b>	
Витамин B <sub>1</sub> (тиамин)	Жигар, буйрак, бош мия, паррандалар тухуми, бошоқли ўсимликлар дони, хамиртуруш.
B <sub>2</sub> (рибофлавин)	Сут, ички органлар, кўк ўтлар, хамиртуруш.
B <sub>3</sub> (пантотенат кислотаси)	Ички органлар, уруғ, кўк ўтлар.
B <sub>4</sub> (холин)	Ички органлар ёғи, хамиртуруш.
B <sub>5</sub> ёки PP (никотинамид)	Гўшт, ички органлар, кўк ўтлар, хамиртуруш.
B <sub>6</sub> (пиродоксин)	Жигар, сут, дон ва уруғлар, хамиртуруш.
B <sub>12</sub> (цианкобаламин)	Гўшт, ички органлар, сут, микробиологик маҳсулотлар.
Витамин B <sub>c</sub> (фолат кислота)	Жигар, сут, кўк ўтлар, хамиртуруш.
Витамин Н (биотин)	Жигар, сут, тухум сариғи, уруғлар ва донлар, хамиртуруш, кўк ўтлар.
Витамин С (аскорбат кислота)	Ҳайвон организмининг барча тўқима ва суюқликлари, кўк ўсимликлар, илдизмева ва илдизмевалилар (қуритиш жараёнида ва қиздирганда тез парчаланади).

*1. Ёғда эрийдиган витаминлар;*

*2. Сувда эрийдиган витаминларга бўлинади.*

**Ёғда эрийдиган витаминлар** А, Д, Е ва К витаминлари киради. **Сувда эрийдиган витаминларга** эса В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>3</sub>, В<sub>4</sub>, В<sub>5</sub>, В<sub>6</sub>, В<sub>c</sub>, В<sub>12</sub>, Н ва С витаминлари киради. П.Мак-Дональднинг (1970) фикрича Ҳайвонларнинг озукланишида витамин В<sub>c</sub> ва Н нинг аҳамияти унча ҳам катта эмас. Энди ҳайвонлар ва паррандаларнинг озукланишида зарур бўлган витаминлар устида алоҳида қисқача тўхталиб ўтамиш.

**Ёғда эрийдиган витаминлар.** Витамин А (ретинол). Ретинол оч сариқ рангли кристалсимон модда бўлиб, ёғларда ва ёғламинг эриткичларида эрийди. Витамин А ёруғлик ва атмосфера ҳавоси таъсиридан тез оксидланиб кетади. Витамин А асосан ҳайвонлардан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида учрайди. Ўсимлик маҳсулотларидан эса маккажӯҳори дони таркибида оз миқдорда топилган. Аммо ўсимликлар таркибида А витаминининг провитамини каротин қўп бўлади.

**Витамин А** организмда оксидланиш ва мураккаб каллоид моддалар ҳосил бўлиш жараёнларини тезлаштиради. У мускулларда, юракда ва жигарда гликоген миқдорини оширади, буйрак ости ва жинсий безламинг гормон ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилайди. Қалқонсимон безининг иш фаолиятида ҳам бу витаминнинг аҳамияти бор. Бу витамин ҳужайралар ичида рўй берадиган модда алмашинувида, оксидланиш жараёнида фаол қатнашади. Витамин А тери эпителийси, нафас йўллари, ошқозон-ичак тизими ва жинсий аъзолар шиллиқ пардаларининг меъёрида ишлашини ҳам таъминлайди. Булардан ташқари таркибида олtingугурт сақлайдиган аминокислоталар алмашинувини нормаллаштиради. Витамин А нинг таъсир доираси жуда кенглиги шулардан кўриниб турибди.

Бу витаминнинг етишмаслиги ҳайвон организмида турлича касалликлами келтириб чиқаради. Масалан, тери ва шилимшиқ парданинг куруқланиши, организмга касаллик туғдирувчи микроблар ўтишига имкон яратади ва натижада дерматит, бронхид сингари касалликлар пайдо бўлади. Бундан ташқари, чапкўрлик, овқат ҳазм бўлиш жараёнларининг бўзилиши, қўпайиш ва сийдик ажратиш аъзоларининг иш фаолиятини бўзилишига олиб келади. Организмда оқсиллар алмашинуви ва суякларда фосфор тўпланиш хусусияти сустлашади. Наслдор эркак Ҳайвонларнинг уруғ сифати бўзилади, буғоз ҳайвонларда эса бола ташлаш, ўлик ёки кўр туғиши ҳоллари ҳам учрайди.

Юқорида айтганимиздек, витамин А ўсимлик маҳсулотлари таркибида деярли бўлмайди, лекин кўк ўтлар таркибида унинг

провитамини каротинлар бўлади. Каротинламинг α, β ва γ турлари кенг тарқалгандир. Буларнинг ичида β - каротиннинг витаминли фаоллиги юқоридир. Каротинлардан ҳайвон организмида витамин А синтез қилинади ва асосан жигарда заҳира ҳолати сақланади.

Жигар, сут ёғи, балиқ мойи ва тухум сариғи таркибида витамин А кўп бўлади. Кўк ўтлар, ўт унлари, сенаж, силос, яхши сифатли пичан, сабзи ва қовоқлар эса каротинга бой бўлади.

**Витамин Д (кальциферол).** Тажрибалардан матшум бўлишича, балиқ мойини узоқ вақт қиздириш йўли билан унинг таркибидаги витамин А ни парчалаб юборгандан сўнг ҳам у антирахитлик хусусиятини сақлаб қолган. Бу тажрибадан балиқ мойи таркибида Д витамиnidан ташқари юқори ҳароратга чидамли бўлган яна бошқа витамин бор, деб тахмин қилишга асос бўлди. Кейинчалик витамин Д деб аталди. Бу витаминнинг 10 дан ортиқ изомерлари мавжуддир. Уларнинг ичида биологик фаоллиги юқори бўлганлари D<sub>2</sub> (эргоқальциферол) ва D<sub>3</sub> (холекальциферол) ҳисобланади. Витамин Д ўсимликларда жуда кам учрайди. У қуёшда қуритилган пичанларда, турли ўсимликларнинг эса қуёш нуридан қовжираб кетган баргларидагина учрайди. Ҳайвонлар организмида эса маълум аъзоларда учрайди. Масалан, жигарда, балиқ ёғида, чорвачилик маҳсулотларидан тухум сариғида ва оғиз сутининг таркибида (сугга қараганда 6-10 маротаба кўп) кўп учрайди.

Бу гурухдаги витаминлар рангиз кристаллардан иборат бўлиб, сувда эrimайди, лекин мойларда ва органик эритувчиларда яхши эрийди. Табиатда бу витаминнинг провитаминларидан эргостерол ва холестероллар кенг тарқалган бўлиб, улар витамин D<sub>2</sub> ва D<sub>3</sub> нинг провитаминлариdir. Бу провитаминламинг витаминли фаоллиги йўқ. Уларнинг витамин D<sub>2</sub> ва D<sub>3</sub> га айланиши учун маълум микдорда энергия керак, энергия манбаи бўлиб эса қуёш нури таркибидаги ультрабионафша нур ёки сунъий ёруғлик манбаи ҳисобланади. Шунинг учун қуёшга чиқарилмай ҳар доим молхоналарда боқиладиган молларда витамин D етишмайди. Қуёш нуридан баҳраманд бўлган Ҳайвонларнинг тери остида юқорида қайд қилинган провитаминлардан D витамини ҳосил бўлади.

Витамин D нинг асосий ҳоссаси ичакларда кальций ва фосфор элементларини қонга сўрилишини ва уларни суюкларда тўпланишини таъминлашдир. Агар витамин D етишмаса озуқа таркибидаги бу элемент организмга сингмайди ва эrimайдиган тузлар ҳосил қилиб тезак орқали ажralади. Организмда бунинг натижасида рахид касаллиги ривожланади ва углеводлар алмашинуви ҳам бўзилади. Бундан ташқари бунинг оқибатида мускул, нерв ва суюк тўқималарида патологик ўзгаришлар,

ҳамда ички секреция безларининг фаолиятлари бўзилади.

Рахид касаллиги оқибатида ёш моллар ўсишдан қолади, ўсаётган суякларда кальций ва фосфор етишмовчилигидан суяклар нимжон ва мўрт бўлади ва қинғир-қийшиқ бўлиб ўсади. Умуртқа суяклари майишади ва замбарбел бўлади. Катта ёшли ҳайвонларда эса бу элементламинг етишмаслигидан суяклардаги кальций ва фосфор бошқа эҳтиёжлар учун сўрилиб сарф бўлади ва бунинг оқибатида ҳайвонларда остеомаляциякасаллиги рўй беради.

**Витамин Е (токоферол).** Бир гурӯҳ фаол таъсир этувчи, бир-бирига яқин бўлган витаминлами *токофероллар деб аталади* (грекча токосавлод, феро-ташииман). Токоферолламинг еттитадан кўпроқ турлари мавжуд. Уларнинг ичидаги  $\alpha$ ,  $\beta$ ,  $\gamma$  токофероллари озиқ-овқат ва ем-хашаклар таркибида кенг тарқалган  $\alpha$ -токоферол бошқаларига қараганда ўзининг биологик фаоллиги билан ажралиб туради. Токофероллар рангиз мойсимон модда бўлиб, кимёвий барқарор, лекин улътрабинафша нур ва юқори ҳароратда ( $50-60^{\circ}\text{C}$  да) тез парчаланади. Токофероллар кўк ўтлар таркибида ва уруғ муртаклари таркибида кўп учрайди. Бу витаминни етишмаслиги ҳайвонларда жинсий аъзолари фаолиятининг бўзилишига ва кўпайиш қобилиятини йўқолишига олиб келади. Бу витаминнинг таъсир доираси кенг бўлиб, унинг етишмаслигидан ҳайвонларда факатгина пуштдорлиги пасайиб қолмасдан, скелет мускуллари, қон томирлари, нерв тўқималарининг иш фаолияти ҳам бўзилади. Витамин Е етишмаслиги оқибатида жигаминг иш фаолияти бўзилади ва унда ёғламинг деполаниш жараёни издан чиқади. Селен микроэлементининг оз миқдорда молларга берилиши Е витаминига хос таъсир кўрсатишини Мак-Дональд (1970) таъкидлайди. Биз юқорида айтганимиздек, токофероллар кўк масса таркибида кўп, лекин силос ва сенаж бостириш технологияси бўзилиши оқибатида массада микроорганизмламинг жадал ривожланишидан силос ва сенаж траншеяларида ҳарорат кўтарилиши мумкин ва бу вақтда токофероллар парчаланиб кетади. Бу эса баъзан қиши фаслларида молламинг қиср қолишига сабаб бўлади.

**К витамини** ва сувда эрийдиган витаминламинг хоссалари сизга физиология курсидан маълум.

Ем-хашаклар таркибида  $\text{B}_{12}$  витамини бўлмайди, унинг фаолияти эса қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун ниҳоятда каттадир. Шунинг учун В гурӯҳ витаминларидан  $\text{B}_{12}$  витамини устида қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

**$\text{B}_{12}$  витамини** (цианкобаламин). Жуда мураккаб тузилган бўлиб, бу витамин 1948 йилда соф ҳолда ажратиб олинган. Бу витаминнинг жуда

муҳим хусусиятларидан бири организмда метионинни ҳосил бўлишидадир. Маълумки, бу витамин организмда ягона метилловчи агент бўлганлигидан у етишмаса холин, креатин ва адреналинлами синтезланиши секинлашади. Буларнинг оқибатида, эса организмда оқсиллар ва нуклеин кислоталарининг синтезланиши ҳам бўзилади. Ўсимлик маҳсулотларидан олинган озуқаларда бу витаминнинг миқдори жуда камдир. Цианкобаламин кавшовчи Ҳайвонларнинг катта қомида микроорганизмлар томонидан синтез қилинади. Шунинг учун меъёрида озуқлантирилган кавшовчи молларда бу витаминнинг етишмаслиги сезилмаган. Лекин бунинг учун озуқа таркибида кобалът элементи бўлиши керак. Чунки, бу элемент витамин В<sub>12</sub> таркибиға киради. Бу витамин кавшамайдиган Ҳайвонларнинг йўғон ичакларида микроорганизмлар томонидан синтез қилинади, лекин у ҳайвон организмига яхши сингмайди. Қалин тўшамада парваришланадиган товуқлар витамин В<sub>12</sub> га бўлган эҳтиёжининг бир қисмини тўшамадаги микроорганизмлар синтезлаган витамин В<sub>12</sub> ҳисобига тўлдирадилар. В<sub>12</sub> витаминининг етишмаслиги чўчқа, от ва паррандаларда кўпроқ учрайди. Авитаминоз В<sub>12</sub> да ўсишдан қолиш, паррандаларда бундан ташқари танасининг пат ва пар билан қопланиши ёмонлашиши ва агар бу витамин кўп миқдорда етишмаса ҳайвонни ўлимга олиб келиши мумкин.

**Витаминлар алмашинуви.** Ошқозон ичак тизимидан қон ва лимфа томирларига сўрилган кўпгина витаминлар жигарга ўтади ва шу ерда заҳира ҳолатда сақланади. Сувда эрийдиган витаминлар (С ва В гурух витаминлари) ичаклардан қон ва лимфа томирларига сувда эриган ҳолатда оддий диффўзия қонунига биноан сўрилади. Лекин В<sub>12</sub> ни сўрилиши учун эса ошқозон ширасининг таркибида юқори молекуляр тузилишдаги моддалар бўлиши керак, деб ёзади А.П.Дмитриченко ва П.Д.Пшеничнийлар (1975). Шу моддалар билан бириккан ҳолдагина В<sub>12</sub> витамини сўрилиши мумкин.

Витаминламинг организмдаги фаолиятига жуда кўп нарсалар таъсир қиласи. Баъзи бир моддалар витаминлами парчалаб юбориши мумкин, бошқалари эса витаминлами ҳайвон организмидаги ҳазм бўлмайдиган шаклга айлантириши мумкин.

Баъзи бир витаминламинг антогонистлари бор, уларни ингибиторлар дейилади. Масалан, ҳом товуқ тухуми оқсилида «авидин» ингибитори бор. Бу В гурух витаминларидан бўлган Н витаминига (биотин) қарши таъсир этувчи моддадир. Маккажўхори донида аскорбат кислота (витамин С) га қарама-қарши таъсир этувчи модда бор, ҳом балиқ таркибида эса тиаминни парчалаб юборадиган тиаминаза ферменти мавжутдир. Бундай ингибиторламинг таъсиридан қутилишнинг ягона йўли ҳайвон

организмига кўпроқ ўша витамигЖ озуқа билан етказиб беришдир. Озуқалар таркибидаги баъзи бир биологик фаол моддалар бир вақтда истеъмол қилинганда бир-бирларининг таъсирини кучайтирадилар. Бу ҳолатни синергизм дейилади. Бунга мисол қилиб А ва Е витамини, В<sub>1</sub> билан гормон инсулин ва ҳоказолами келтириш мумкин. Бошқа бир биологик фаол моддалар истеъмол қилинганда бир-бирига акс таъсир этадилар. Бундай ҳолатни антогонизм дейилади ва бу ҳолат витамин А билан С витамини ўртасида, витамин А билан қолқонсимон безининг гормони тироксин ўртасида қузатилади.

**Бошқа биологик фаол моддалар.** Озуқалар таркибида биологик моддалар гурӯхига қарашли антитўйимли моддалар ҳам бор. Буларга алкалоидлар, глюкозидлар ва бошқалар киради. Масалан, организмда минерал моддалар алмашинувини издан чиқарадиган сапонин моддаси қанд лавлагида ва айниқса, қанд лавлаги япроғида тўпланади. Соя ўсимлигининг дуккагида эса трипсин ферментининг ингибитори гемаглютинин ҳамда сапонин моддаси бор. Пишмаган зигир дони таркибида цианоген глюкозиди, чигит таркибида госсипол сингари заҳарли моддалар бўлиб, уларни бироз қиздирилса ўз таъсирини йўқотади.

Ҳайвонлар истеъмол қиласиган ем-хашаклар таркибида биологик фаол моддалар гурӯхига кирувчи ферментлар, гормонсимон моддалар, антибиотиклар сингари бирикмалар мавжуд.

**Ферментлар.** Улар организмда синтез қилинади, лекин бунинг учун ҳайвонлар озуқа билан етарли миқдорда протеин, баъзи бир аминокислоталар, витаминлар, макро ва микроэлементлами истеъмол қилишлари керак. Ферментлар асосан икки хил жараённи бажаради. Биринчидан, мураккаб органик моддалами энг оддий тургача парчалаш бўлса, иккинчидан баъзан мураккаб моддалами синтезлашишида ҳам ферментлар иштирок қиласидилар. Ҳозир чорвачилиқда пепсин ва панкреатин сингари озуқа ҳазм қилиш жараёнларини бошқарувчи ферментлар қўлланилмоқда.

Микробиология ва фармацевтика саноати ҳозир Озуқаларни молларга едириш учун тайёрлаш жараёнида ем-хашакларга ишлов бершп учун аминолитик (глюкаваморин, аваморин), протеолитик (проторизин, протосубтилин сингари), целлюлозалитик ва бошқа фермент препаратлари ишлаб чиқармоқдалар.

**Гормонсимон моддалар.** Баъзи бир ўсимликлар таркибида гормонсимон моддалар бўлиб, бу ўсимликни истеъмол қиласиганда маҳсус гормонал препарат истеъмол қиласиган сингари таъсир этади. Маълум бўлишича таркибида оксидловчи полифенолоксидаза ферменти бор бўлган

ўсимликлами ҳайвонлар истеъмол қилганда унинг гонадотроп таъсири (жинсий безламинг фаолиятини ривожлантирадиган) сезилган. Казеиннинг эритмасига йод шимдирилса йод-казеин препарати, протамон олинади. Бу эса организмда ҳудди тироксин гормони сингари таъсир қиласи. Кейинги йилларда чорва молларини бўрдоқига боқишида баъзи бир гормонал препаратлардан қўлланилмоқда. Шуни эсда тўтиш керакки, бундай препаратлами Ҳайвонларни сўйишдан бир неча кун олдин молга едиришни тўхтатиш керак, чунки бу препарат организмдан тўлиқ чиқиб кетгандан сўнггина уни гўштини истеъмол қилиш мумкин. Бундай препаратларга диэтилстильбестерол (гўшт маҳсулдорлигини оширадиган биостимулятор) мисол бўлиши мумкин.

**Антибиотиклар.** Антибиотиклар баъзи бир бактериялар ва замбуруғламиング маҳсулоти бўлиб, организмга тушганда касаллик туғдирувчи микроорганизмламиング ривожланишини тизгинлаш хусусиятига эгадир. Шунинг учун антибиотиклари кашф қилиниши тиббиёт соҳасида оламшумул аҳамиятга эга бўлган ютуқdir. Кейинчалик бу препаратлар моллами ҳар хил касалликлардан даволашда ветеринарияда қўлланила бошланди. 1949 йилда маълум антибиотиклари оз микдорда жўжа ва чўчқа болаларининг рационига қўшиб берилганда уларнинг ўсиш жадаллиги ортгани кузатилган. Олдинлари бу ҳолатни антибиотиклар таркибида бўладиган витаминининг борлигидан деб билишган эди. Кейинчалик маълум бўлишича антибиотикнинг таъсиридан Ҳайвонларнинг ўсиш жадаллигини ортиши В<sub>12</sub> витаминининг таъсиридан кучлироқ экан. Антибиотиклар кенг кўламда ҳар тарафлама таъсир этувчилар ва таъсир доираси тор бўлган антибиотикларга бўлинади. Биринчи гурухга тетрациклинлар, иккинчи гурухга эса пенициллин, стрептомицин ва бацитроцинлар мисол бўлади. Биринчи гурудага антибиотиклар турдаги касаллик туғдирувчи бактерияламиング ривожланишини бўғиши мумкин. Кейинги йилларда антибиотикларинг мингдан ортиқ турлари маълум бўлди. Уларнинг баъзи бирлари медицинада ва ветеринарияда турли касалликларга қарши қўлланилади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуклантиришда эса, ўсиш ва ривожланишини жадаллаштириш ва озуқа ҳазм бўлишини ошириш мақсадида 20 га яқин антибиотиклар қўлланилмоқда. Антибиотиклар организмга тушгандан сўнг озуқа ҳазм қилиш ва бошқа орган ва тўқималардаги касаллик туғдирувчи микроорганизмлар билан курашда ҳайвон организмига ёрдам қиласи ва бунинг оқибатида касаллик туғдирувчи микроорганизмларга қарши курашишга сарф бўладиган озуқа энергияси бекорга исроф бўлмай маҳсулот яратиш учун ишлатилади.

Ҳайвонларни боқишда организмдан тез (уч кун ичиде) чиқиб кетадиган озуқабоп антибиотиклардангина фойдаланиш тавсия қилинади. Бундай антибиотиклар базан заводларда омихта емлар таркибига қўшилган бўлади. Антибиотиклар кўпинча чўчқа болалари, бузоқлар, қўзилар ва паррандаларни боқишда қўлланилади. Бактерияцидлик хусусияти бўлмаган озуқалардан фойдаланилганда антибиотиклари кўллаш яхши натижа беради. Антибиотикларинг яна бир хусусияти шундаки, у организмда оқсиллар ва минерал моддалар алмашинувига ижобий таъсир этади. Антибиотиклардан кўп миқдорда ва нотўғри фойдаланиш эвазида ҳайвон организмида шу антибиотик таъсирига чидамли турдаги касаллик туғдирувчи микроорганизмлар пайдо бўлади ва ортиқча антибиотиклар организмда тўпланади. Масалан, чўчқалар рациондаги 1 кг озуқага 10-20 мг хлортетрациклин берилганда қон зардобида ва тўқималарда унинг изи топилмаган. Рационда 1000 мг/кг берилганда эса 1 кг ҳайвон тўқимасидан 100 мг антибиотик топилган.

**Махсус қўшимчалар.** Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик ҳайвонларини деталлаштирилган норма ва мувозанатлаштирилган рационлар билан боқишда рационлар таркибида етишмаган моддалар билан таъминлаш учун ҳар хил препаратлар, премикслар ва бошқа хил саноат усулида тайёрланган аралашмалардан қўлланмоқда. Булардан кенг кўламда қўлланиладигани оқсилли-витаминли минерал қўшимчалар ОВМҚ дир. Бу ОВМҚ нинг таркиби ҳайвоннинг тури, ёши, маҳсулдорлиги ва рацион таркибига боғлиқ бўлади. Масалан, бўрдоқидаги ёш қорамоллами боқишда қўлланиладиган ОВМҚ ни молнинг тирик вазнига қараб 5 хил рецепти ишлаб чиқарилган.

Уларнинг таркибида бацитроцин антибиотиги, макро ва микроэлементлар ва А, Д, Е витаминларининг миқдори ҳисобга олинади. Чўчқалар учун ишлаб чиқарилган ОВМҚ нинг таркибида антибиотиклар, аминокислоталардан лизин ва метионин, макро ва микроэлементлар ва витаминлардан А, Д, К, В<sub>2</sub>, В<sub>3</sub>, В<sub>5</sub>, В<sub>6</sub> ва холинламинг миқдори ҳисобга олинади.

#### **2.4. Макро ва микро элементламинг аҳамияти**

*Минерал элементлар ҳайвон организмида оз ёки кўп учраши бўйича улар 2 гуруҳга бўлинади:*

**1. Макро элементлар.** Ҳайвон танасида кўп учрайдиган элементлар бўлиб, улар 1 кг озуқа таркибида грамм ҳисобида ўлчанади. Уларга жуда кўп элементлар кириб, Ҳайвонларнинг озукланишида кальций: (Ca), фосфор (P), натрий (Na), калий (K), хлор (Cl), магний (Mg) ва олтингугурт

(S)ламиинг аҳамияти каттадир.

**2. *Микро элементлар*.** Ҳайвонлар танасида оз миқдорда, лекин жуда зарур бўлган элементлар *микроэлементлар дейилади*.

Микроэлементлар ўсимликлар таркибида ҳам жуда оз миқдорда бўлганлигидан улар 1 кг озуқа таркибида мг ҳисобида ўлчанилади.

Микроэлементларга ўсимлик ва ҳайвонлар тана кули таркибида учрайдиган макроэлементлардан бошқа ҳамма элементлар киради.

Макро ва микроэлементламиング ҳайвон организмидаги аҳамиятитурличадир. Баъзи бир элементламиング ҳайвон танасидаги аҳамияти ҳали тўлиқ аниқланмаган.

Биз қўйида ҳайвон организми учун зарур бўлган макро ва микроэлементламиング аҳамияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

***Макроэлементлар. Кальций.*** Ҳайвонлар танасида энг кўп учрайдиган минерал элемент бўлиб, унинг 99% суюк ва тишлар таркибида бўлади. Бундан ташқари кальций кўпгина тирик тўқима ва тўқима суюқликлари таркибида учрайди.

Бу элемент суюк тизимларини такомиллашувида, лактация даврининг бир меъёрда кечувида ва қон ивиш жараёнида фаол иштирок қиласи. Бундан ташқари, юрак ва скелет мушакларини ва нерв тизимларининг бир меъёрда ишлашида катта аҳамияти бор. Булардан ташқари эмбрионнинг меъерида ўсиши, спермотогенез ва сут ҳосил бўлиш жараёнлари ҳам рациондаги кальций миқдорига боғлиқ. Кальций элементи организмда рациондаги фосфор ва рух элементларини сингишига таъсир қиласи. Рационда оз миқдорда ва қисқа вақт мобайнида кальций элементи етишмаса, ҳайвон уни организмидаги заҳиралардан сарф қилиб туради. Узоқ давр давомида кальцийнинг етишмаслигидан ёш моллар раҳид касаллигига дуч келади. Бунда ёш молламиング оёқ суюклари қақшайди ва тана оғирлигидан қийшайиб ўсади, бўғинлари шишиб оқсайди ва баъзан ҳаракатсиз бўлиб қолади. Катта ёшли ҳайвонларда суюкламиング кальцийсизланувидан *остеомалицин* касаллиги ҳосил бўлади. Бунда суюклар мўртлашади.

Рахид ва остеомалицин касалликлари фақат кальций етишмаслигидан эмас, балки рационда фосфор элементи ёки витамин «Д» етишмаслигидан ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

Баъзан янги туқкан сигирларда туғриқ шоли касаллиги учрайди. Бунда Ҳайвонларнинг қон зардобида кальций камайиб мушаклари тортишади ва айрим ҳолларда шол ва хушсиз бўлиб қолади.

Кальций элементи дуккакли ўсимликлар таркибида кўп бўлади.

Бундан ташқари, ҳайвон маҳсулотларидан олинган озуқалардан сүяк уни, гўшт сүяк уни, балиқ уни ва минерал озуқалар таркибида ҳам кальций кўп бўлади.

**Фосфор.** Фосфоми алъхимик Х.Бранд бошқа мақсадда ўтказаёттан тажриба даврида 1669 йилда фавқулодда кашф қиласди. Араб мамлакатларида эса фосфор XII асрда ишлатилган деган маълумотлар ҳам бор.

Ҳайвонлар организмида фосфор элементи II-ўринда туради ва кўпинча кальций билан боғлиқ ҳолда учрайди. Организмдаги фосфоминг кўп қисми кальций элементи сингари сүяк ва тиш таркибида (80% яқин) учрайди. Фосфор элементи яна фосфопротеинлар, фосфолипидлар, нуклеин кислоталари таркибида учраб, организмда жуда зарур бўлган биологик жараёнларда гексафосфатлар, аденоzinди ва аденоzinтрифосфатламинг ҳосил бўлишида қатнашади. Фосфор ёш молларда сүякни ўсиши учун, углевод ва ёғлами ҳазм бўлиши учун ҳам зарурдир. У ҳужайра оқсилларининг таркибида ҳам учраб, кўпгина ферментламинг фаоллашувида, тўқима ва қон таркибидаги буферлик хусусиятларини меъёрида боришида, организмда энергия алмашинуви сингари асосий биологик реакцияларда фаол қатнашади.

Фосфор элементини рацион таркибида узоқ вақт етишмаслигидан кальций етишмаслигидаги сингари раҳид ва остеомаляция касаллиги рўй беради. Қорамоллар латта, ёғоч, сүяк ва шу сингари нарсалами ғажийди. Лекин бундай иштаҳанинг буғилишини бошқа сабаблари ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун фосфор элементининг етишмаслигини қон зардобини лабораторияларда текширгандагина аниқланади. Қон зардобида фосфор меъёри 4-12 мг % бўлади.

Организмда кальций ва фосфоминг ўзаро муносабати ҳам катта аҳамиятга эга. Уларнинг нисбати 2:1 дан 1,2 : 1 гача бўлиши мумкин. Рационда фосфоминг етишмаслиги сурункали ҳолат бўлса унда ҳайвонларда бўғинламинг шишиб букулмай қолиш ва мушаклар заифлашиш ҳолати рўй беради. Яна фосфоминг етишмаслиги ёш ҳайвонларда ўсишдан қолиш, пуштдорликнинг камайиши, сутдорликнинг пасайишига олиб келади.

Ўсимликламинг ўсаётган органларида (поясига қараганда) фосфор кўпроқ учрайди. Шунинг учун қўйлар яйловдаги ўсимликламинг гули, япроғи ва майин новдаларини истеъмол қилганлиги сабабли улар қорамолларга нисбатан фосфор етишмаслигидан камроқ касалликка чалинади. Фосфор элементи бошоқли ўсимликлар донида, сутда, балиқ сан чиқиндиларида, сүяк ва гўшт унларида ҳамда минерал

күшімчалар таркибіда күп бўлади.

Макроэлементлардан барча турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун энг зарур қальций ва фосфордир. Шунинг учун улар устида қисқа тўхталиб ўтдик. Қолган макроэлементлар тўғрисидаги маълумотлар қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари физиологияси фанидан сизга маълум.

**Микроэлементлар**. Биз юқорида кўрдикки, организм учун зарур бўлган микроэлементлар қаторига Мак-Дональд, Эдвардс Р. (1970) темир, рух, мис, марганец, йод, кобалт, молибден ва селенлами киритган.

**Темир**. Организмда учрайдиган темир элементининг 90% дан кўпроғи оқсиллар таркибига киради. Бу оқсиллардан энг кўп тарқалгани ва аҳамиятлиси гемоглобинdir. Темир қон зардобида *сидерфилин* оқсили билан бириккан ҳолда ҳам учрайди. Бу оқсил заҳира ҳолатидаги темир моддасини бир органдан иккинчи органга етказиб беради. Булардан ташқари заҳира ҳолатдаги темир моддаси *ферритин* оқсили таркибida ҳам бўлиб, бу оқсил талоқ, жигар, буйрак ва қизил мгошарда учрайди. Шу сингари заҳира ҳолатдага темир моддаси *гемосидерин* оқсилиниң таркибida ҳам учрайди. Булардан ташқари темир кўпгина ферментлар ва баъзи бир протеинлар (флавапротеинлар) таркибига ҳам киради.

Рационда темир моддасининг етишмаслиги биринчи галда гемоглобин оқсилиниң синтезини камайишига олиб келади, чунки организмдаги барча темир моддасининг ярмидан кўпроғи шу оқсил таркибига кирган бўлади. Бу оқсил ўз навбатида эритроцитлар таркибига киради.

Шунинг учун рационда темир элементиниг камайиши анемия касаллигига олиб келади.

Ўсимликлар таркибida темир моддаси етарли миқдорда учрайди. Шунинг учун ўсимлик маҳсулотлари билан озуқланадиган катта ёшли ҳайвонлар темир элементининг етишмаслигидан касалланмайдилар. Чўчқа болалари бир кунда 7 мг темир элементини талаб қиласди. Она сути билан 1 мг темими, қолган 6 мг темир элементини эмлаш йўли билан ёки темир тузлари ҳолатида озуқа билан олиши мумкин.

**Мис**. Мис элементи темир ва  $B_{12}$  витамини билан ҳайвонларда гемоглобин оқсилиниң синтезланишида иштирок этади. Мис элементини гемоглобин оқсилиниң ҳосил бўлишидаги аҳамиятини 1924 йилда каламушларда тажриба ўтказиш йўли билан исботланган. Мис кўпгина ферментлар, пигментлар таркибига ҳам киради. Жун толалариниг пигментланишида, нерв тўқималаминг шаклланишида, қон ҳосил

бўлишида, суяк тўқималарининг меъёрида ривожланишида ва баъзи бир ферментламинг фаоллашувида, мис элементининг аҳамияти бор. Булардан ташқари мис қалқонсимон безининг ва жинсий гормонламинг фаолиятига, ҳамда организмда оқсил, углевод, ёғлар ва минерал моддаламинг алмашинувига ижобий таъсир қиласи.

Мис элементининг етишмаслиги ҳам анемия касаллигига сабаб бўлиб, бундан ташқари миснинг етишмаслиги ўсишдан қолиш, суяк касалликлари, ичўтар касаллиги, жун толаларининг рангизлашуви, ошқозон ичак тизимларини иш фаолиятини бўзилишига олиб келиши мумкин. Бу элементнинг етишмаслиги орқа мия фаолиятини бўзилишига ҳам олиб келади. Бунинг оқибатида харакат мувозанати бўзилади. Бу ҳолат яйлов ўтининг таркибида мис элементининг етишмаслигидан Австралия ва Буюк Британияда ёш қўзиларда кузатилган. Кўзилар рационига мис тузларини қўшиб бериш билан бу касалликни олдини олиш мумкин.

Мис элементи ўсимлик маҳсулотларининг таркибида етарли микдорда учраганлигидан катта ёшдаги ҳайвонлар мис етишмаслигидан касалланмайдилар. Лекин ўсимликлар таркибидаги бу элементнинг микдори тупроқ таркибига боғлиқдир. Оддий яйлов ўтларида миснинг микдори 1 кг қуруқ модда таркибида 4-8 мг бўлади. Бу эса ҳайвонлар учун етарлидир, агар рацион таркибида 1 кг қуруқ моддада 2 мг дан кам мис бўлганда ҳайвонларга қўшимча равишда ҳар хил мис тузларидан қўшиб бериш керак.

Мис элементи организмнинг ҳамма ҳужайраларида учрайди, Организмдаги ортиқча мис захира ҳолатда жигарда тўпланади. Рацион таркибида мис элементи етарли бўлган тақдирда қўшимча мис тузларидан фойдаланиш Ҳайвонларни заҳарланишига олиб келади. Айниқса, қўйлар бошқа ҳайвонларга қараганда мис билан заҳарланишига кўпроқ чалинадилар.

**Йод.** Бу элемент оз микдорда бўлсада ҳамма тўқималар таркибида учрайди. Лекин йоднинг асосий хизмати қалқонсимон безининг секрети бўлган тироксин гармонининг таркибида учраганлигига бўлиб, шу безнинг бир меъёрда ишлаши учун зарурлигидир. Рацион таркибида бу элементнинг камайиши тироксин гармонининг синтезланишини сўсайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида эндемик буқоқ касалигини келтириб чиқаради. Бундай касаллик Ҳайвонларнинг бола бериш қобилиятига салбий таъсир қилиб, куйга келиш циклининг бўзилишига, қисир қолишига ва бола ташлаш ҳолларга олиб келади. Бола туғилсада, у нимжон, ўламса ва баъзан туксиз туғилиши мумкин. Баъзи ҳолларда таркибида йод элементи етарли бўлган рационлар билан боқилганда ҳам

агар рационда рапс, соя дуккаги, зигир ва нўхат донлари сингари озуқалар кўп бўлган шароитда ҳайвонларда буқоқ касаллиги ривожланиши кузатилган.

Ўсимликлар таркибидаги йоднинг миқдори тупроқдаги йод элементининг миқдорига ва суғориладиган майдонларда эса сув таркибидаги бу элементининг миқдорига боғлиқ. Бу элемент балиқ уни ва денгиз ўсимликлари ҳамда ҳайвонлар маҳсулотлари таркибида кўп бўлади. Ҳайвонлар истеъмол қиласидиган кундалик ем-хашаклар таркибида ҳам оз миқдорда учрайди. Бу элемент ҳайвонлар рационида етишмагандан йодланган ош тузи бериш мумкин.

Марганец ва рух элементлари ўсимликлар таркибида ҳайвонлар талабини қондира оладиган даражада мавжуд. Бу элементлар тўғрисидаги маълумотлар сизларга қишлоқ ҳўжалик ҳайвонлари физиологияси курсидан ҳам маълум.

### **Назорат саволлари:**

1. Озуқаларнинг протенли тўйимлилиги?
2. Озуқаларнинг таркибига қўйилган талаблар
3. Витаминалар қандай гурӯхларга бўлинади ?
4. Қуруқ моддалар?
5. Мкаро элементлар?
6. Микро элементлар?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Р.Ҳамрақулов ва бошқалар “Қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларини озуқлантириш” (Услубий кўрсатмалар) Тошкент-2008
2. Р.Ҳамрақулов “Қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларини озуқлантириш” Тошкен- 2011 й
3. \*VAYNSHTEFAN AMALIY F ANLAR UNIVERSITETI TRISDORF FILIAL I, GERMANIY A Durst L., Viltman M. “Qishloq ho’jalik hayvonlarini ozuqlantirish”
4. Б.О.Абдолниёзов. Чорвачилик асосларидан амалиймашғулотлар Урганч – 2008

### **3-Мавзу: Сут берувчи сигирлари боқиши<sup>8</sup>**

#### **Режа**

1. Ҳаёт кечириш учун энергия ва протеинга бўлган талаб.
2. Сут ҳосил қилиш учун энергия ва протеинга бўлган талаб.
3. Сигиминг бўғозлиқ даврида энергияга ва протеинга бўлган талаб.
4. Соғин сигирларинг минерал моддаларга бўлган талаби.
5. Соғин сигирларинг витаминларга бўлган талаби.

**Таянч иборалар:** протеин, бўғозлик, минерал модда, витамин, маҳсулдорлик, коеффицент, рацион, раздой.

#### **3.1. Ҳаёт кечириш учун энергия ва протеинга бўлган талаб**

Чорвачиликда сут маҳсулотларини самарали иш лаб чиқаришга сут маҳсулорлиги юқори даражада бўлганда, Ҳайвонларнинг ҳамма озиқ моддаларига бўлган талабини қондирадиган ратсионал озиқлантириш ва мунтазам равишда наси олиш орқали эришиш мумкин. Сигирлари боқищда қилинган хатолар маҳсулорликнинг пасайишига, айниқса, маҳсулор ҳайвонларда касалланиш хавфининг ошишига олиб келади. Тирик вазни 500 кг бўлган ва 4000 кг сут берадиган сигир унинг организмидаги куруқ модда никдори тахминан 2,6 марта ошадиган шундай куруқ моддани сут билан ажратади. 1 л сут ҳосил бўлиши учун сигир елинидан 400 л атрофидаги қон ўтиши керак.

Ҳаёт кечириш учун энергия ва протеинга бўлган талаб Сут берувчи (соғин) сигирларда ҳаёт кечириш учун энергияга бўлган талаб сут бермайдиган ва бўғоз сигирларга нисбатан 10-20% юқори бўлади. Бу талаб суткасига 1 кг  $TB^{0.75}$  га 0,488 МДж АЕ ни ташкил этади. Чунки ҳаёт кечириш ва сут ҳосил қилиш учун фойдаланилган АЕ коеффиценти энергиянинг ўзлаштирилишига боғлиқ равишда бир хил ўзгаради. бу боғ Ииқни ЛСЕ системасида ифодалаш мумкин:

Ҳаёт кечириш учун талаб лактатсиянинг софенергияси (МДж ЛСЕ/суткада)= $0,239*(\text{МДж})*TB(\text{кг})^{0.75}$  Бунда 57% ли 0,6 га тенг бўлган ратс ион энергияси ўзлаштирилган ҳолатда 0,239 МДж ифода 0,488 МДж АЕ ни коеффицент кЖ га қўпайтириш йўли билан олинади. Тирик вазни 450-700 кг бўлган соғин сигирларда ҳаёт кечириш учун энергияга бўлган талаб 26-жадвалда келтирилган. 26-жадвал. Соғин сигирларда ҳаёт кечириш учун энергияга бўлган талаб Тирик вазн, кг ЛСЕ, МДж/сутка

---

<sup>8</sup> VAYNSHTEFAN AMALIY FANLAR UNIVERSITETI TRISDORF FILIAL I, GERMANYA A Durst L., Viltman M

450	28,6
500	31,0
550	33,3
600	35,5
650	37,7
700	39,9

Соғин сигирларда ҳаёт кечириш учун протеинга бўлган талаб суткасига 1 кг ТВО.7С га 3,9 г ни ташкил этади. ҚПга бўлган талабни аниқлашда хатолар мумкинлигини ҳисобга олиб, бир бош молга бир суткада 25 г ҳисобда кафолатланган ҳолда ошириш керак бўй лади. Бугунги кунда Германияда сигирлари протеинлар билан озиқлантириш 12 бармоқли ичакнинг проксимал қисмида, яъни ингичка ичакнинг бошида ишлатиладиган протеинга қараб меъёрлаштирилади. Йашлатилган протеин микроб протеини (МП) ва озуканинг доимий протеини ёки озуканинг сиқмада парчаланмайдиган протеини (ҚПХП) деб аталадиган "транзит" протеиндан ташкил топади. Ҳайвоннинг иҚПга бўлган талабини белгилашда ахлати азотнинг сийдик ва тери юзаси орқали эндоген йўқотилиши суммаси сифатида аниқланадиган ҳаёт кечиришига соғ азотга бўлган талабидан келиб чиқади. Бу йўқотиш истеъмол қилинган озуқа миқдори, шунга мос равишда, ҳайвоннинг тирик вазнига боғлиқдир:

Эндоген Нахлат (глсутка)= $2,91 * \text{истеъмол} / \text{қилинган озуқанинг ҚМ (кг)}$  куруқ масса;

Эндоген Н си~ик (глсутка)= $5,92 * \log \text{ТВ (кг)} - 6,76$ ;

Н лерининг} УЗаси (глсутка)= $0,01 C'' \times \text{ТВ (кг)} / 0,75$ .

Йашлатиладиган протеиндаги азотга бўлган соғ талабни ҳисоблашда қуйидаги параметрлар ҳисобга олинади:

- ингичка ичакда мавжуд бўлган умумий азотдаги протеин азоти (аминокислота азоти) ҳиссаси-73%;
В. Вороков, Б. Абдухаликовламинг “Результаты откорма крупных цыплят в клетках” мақоласида ёзишича йирик гўштдор технологиялами парваришлиш таклиф қилинди ва бундан мақсад олинган гўшт маҳсулотлари ассортиментини кўпайтириш масаласи қўйилган. Бундай жўжалар кўп қаватли қафасда эмас, балки қалин тўшамали ерда сакланиши керак [14].

ВНИТИП олимлари томонидан уларнинг маҳсулдорлик сифатини ўрганиш учун “СК-Русь-2” кросси ва чет элнинг “Хаббард-Фарм” фирмасидан келтирилган “F-15” жўжалари синаб кўрилди. Хўроздалар 9 ҳафта, Макиёнлар 8 ҳафта ВНИТИП 1994 нормаси ва тавсияномаси асосида боқилди. Бир бош хўроздалар учун 410 см<sup>2</sup>, макиёнлар учун 370 см<sup>2</sup> жой ажратилди. 8 ҳафталик “СК-Русь-2” кросси макиён жўжалари 2.3 кг бўлса ва “F-15” кросси макиён жўжалари 2.2 кг бўлган. 9 ҳафталик “СК-Русь-2” кросси хўроздалари 2.8 кг бўлса, “F-15” кросси хўроздалари эса 2.6 кг ташкил этди. Нобуд бўлиш ҳамма гурухларда 4.5% ни ташкил этди.

Ошкина Л., Трифонов Г., Прытков Ю. “Влияние препарата ДАФС-25 на рост цыплят – бройлеров” мақоласида адабий манбаларидан кўринишича, паррандалар организмининг селен микроэлементи билан

таъминлашда кўпинча селенит натрий тузи қўлланилган. Ҳозирги замонга келиб бу элементнинг кўпгина бирикмалари яратилган бўлиб:

1. Селенориран (СП-1);
2. Диацетофенонилселенид (ДАФС-25) қўлланилмокда.

Бу бирикмалар ўзининг кам заҳарланиш хусусияти билан селенит натрийдан афзалдир. Тажриба учун Пенза вилоятининг Васильевский паррандачилик фабрикасида З қаватли клеткали батареяларда “Смена-2” бройлер кроссида 4 гурӯҳ ташкил қилиниб, уларнинг ҳаммаси бир хил озуқлантириш, суғориш шароитида бокилди. Бунинг учун бир гурӯҳ назорат гурӯҳи бўлиб, 4 гурӯҳ тажриба гурӯҳи эди. Олинган маълумотлар қўйидаги жадвалда келтирилган [37].

### **1.1-жадвал**

Жўжалар гурӯҳи	Озуқадаги ДАФС-25 препарата миқдори, мг/кг	Озуқадаги селен миқдори, мг/кг
Назорат	-	0.05
1 тажриба гурӯҳи		0.20
2 тажриба гурӯҳи	0.6	0.35
3 тажриба гурӯҳи	0.8	0.40
4 тажриба гурӯҳи	1.0	0.45

Бундан кўриниб турибдики, 2-3-4 тажриба гурӯҳлари ДАФС-25 преспаратларда истеъмол қилганлар рационидаги селен миқдори эса, назорат гурӯҳида 0.05; 1-тажриба гурӯҳида 0.20; 2-тажриба гурӯҳда 0.35; 3-тажриба гурӯҳда 0.40 ва 4 да 1 кг озуқда 0.45 г га тенг бўлган. Назорат гурӯҳдагиламинг сақланиши 88 % бўлган бўлса, 1-4 гурӯҳдагиламики мос равища 90-92-95-94 % бўлган, уларнинг назорат ва тажриба гурӯҳдаги жўжаламинг ўртача кунлик ўсиши назорат гурӯҳида 40.73 г бўлган бўлса, 1- 2-3-4 гурӯҳларда 43.79-44.39-44.39-41.94 г га мос равища тенг бўлган. Бу преспаратлар таркибида қисман темир элементи ҳам мавжуд бўлган.

Шундай қилиб, селеннинг манбаи сифатида таркибида қисман темир элементи мавжуд бўлган, ДАФС- 25 преспаратини қўллашнинг афзаллиги яққолқўринади. У жўжалами ўсиш жадаллигини оширади. Озуқа сарфини камайтиради, шундай қилиб ДАФС-25 преспаратини 0.8 мг/кг қўшиш энг яхши натижа берган.

**“Бройлерлами парваришлаш”** номли мақолада интеметда хабар беришича, бройлер сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб “To broil” сихда қўғириш маъносини беради. Сихда ёш жўжалар яхши қўғирилади. Уларнинг массаси 2 кг дан ошмаслиги керак. Бройлер гўшти диетик гўшт

хисобланади ва шунинг учун бу гўшт болалар, кексалар ва касаллар учун кенг кўлланилади. Бройлерлами олиш учун маҳсус гўштдор зотлардан фойдаланилади. Улар ўзларининг ҳаётчанлиги, танада кўп миқдорда гўшт тўплаш хусусиятлари билан ажралиб туради ва тез ўсиш хусусиятига эга.

Украинада деярли АҚШда яратилган оқ племутрок ва оқ комиш товуқларидан фойдаланадилар. Оқ комиш соф гўштдор зот бўлиб унинг хўрози билан оқ племутрок макиёнлари чатиширилса ажойиб бройлербоп дурагайлар олинади.

Бройлерлар учун тўшаманинг қалинлиги ёзда 5-7 см, қишида 10-12 см. Ҳар бош жўжа учун 1 - 1,5 кг тўшама ишлатилади. Ифлосланган сари унинг юза қисмини олиб устига янги тўшама сепилади.

“Шахтерский” наслли паррандачилик соҳасида қуйидаги тартибда озуқа аралашмасидан фойдаланилади: 1 кг аралашмади. 400 г маккажўхори ёрмаси, 200 г буғдой, 150 г арпа ва 100 г сули ёрмаси ҳамда 150 г кунгабакар кунжарасини аралаштириб унга 50 – 60 г балиқ ёки гўшт суюк уни ёки 150 – 200 творог қўшиб ёғи олинган сутда қориб (1 жўжага 1 кунда 10 – 30 г) ва 1 – 2 г кунига нонвойхона ачитқиси бериб боқсанда жўжалар яхши ўсганлар. [www.broilery.dp.ua](http://www.broilery.dp.ua) [68].

**Тухумдор паррандачилик бўйича Россиянинг Свердлов паррандачилик наслчилик заводи бўлган “Родонит” (хозирги (версияси) “Родонит - 2” кросси машҳур ҳисобланади.**

Россия паррандачилик уюшмасининг маълумоти бўйича унинг улуши Россияда 25 %, иккинчи ўринда “Родонитдан” сўнг “Хайсекс Браун” кросси эгаллайди ва “Родонитдан” 4 % камроқ.

Паррандачилик бўйича йирик ҳисобланган корхоналардан, қайсики “Родонит - 2” кроссини парваришлиш билан шуғулланадиган Омский вилоятининг “Иртишское”, Тюмендаги “Пиминская”, Волгограддаги “Восток”, Удмурдистондаги “Ижевский” ва “Вараксино” паррандачилик фабрикаларида товуқламинг йиллик тухумдорлиги 1 бош товуққа 308 – 329 та тухумни ташкил қиласи. <http://agropressa.ru/> [69].

<http://agropressa.ru/prnwin.php?s=0&na=339> сайтида хабар қилишича **“Наслчилик иши: чет эл кроссларидан фойдаланиб бош сонини ошириш”** номли мақоласида хабар беришича Россия паррандачилик уюшмасининг таҳмин қилишича 2007 йилда барча турдаги паррандачилик хўжаликларида 1,55 млн тонна парранда гўшти етишириш мўлжалланган бўлиб, бу 2006 йилга нисбатан 0,17 млн тонна кўп (2006 йилда 1,38 млн тонна бўлган) тухум ишлаб чиқариш эса 2006 йилда 36,8 млрд дона бўлган бўлса 2007 йилда 38 млрд дона режалаштирилган, чунки парранда гўштига нисбатан тухумга талаб камроқ бўлган.

Мамлакатда йирик паррандачилик лойиҳаларини амалга ошириш давом этмоқда деб хабар қилади интемет маълумотларида. Бунда асосий йўналиш паррандачилик комплексларини йириклаштиришга қаратилган. 2007 йил октябр – ноябр ойларида Уляновский вилоятидаги 6 та паррандачилик фабрикалари, шу жумладан “Новомайская” ва “Уляновская” паррандачилик фабрикалари Мордова агросаноат бирлашмаси таркибига кириб янги паррандахолдинг бунёд бўлди. Вилоят агропромининг хабар беришича, ушбу паррандачилик фабрикаларини қайта тамирлаш ва реконструкция қилиш бўйича режа тасдиқланган бўлиб холос тухум йўналишидаги фабрикалами қайта тамирлаш ва реконструкция қилиш учун 850 млн рубль ажратилган. Оқибатда тухум ишлаб чиқариш икки маротаба ошиб 620 млн донани ташкил қилади ва 850 киши янгидан иш билан таъминланади.

Мордова агросаноат холдинги директори А.Миркушиннинг ёзишича “Новомайская” паррандачилик фабрикасини ривожлантириш учун яқин 3 – йилда 2 млрд рубль ажратилади ва тирик вазндан парранда гўшти ишлаб чиқариш 60 % га ошиб 8,8 минг тоннани ташкил қилади. Реконструкция ишлари тугугандан кейин ҳар йили ушбу фабрика 45 минг тонна тирик вазнда гўшт ишлаб чиқарадиган бўлади.

“Уляновская” паррандачилик фабрикасида агар ҳозир 145 киши ишлаб 101 минг товук парваришланса 2008 йил 1 январда тухумдор товуқлар сони 200 минг бошга етиб тухум ишлаб чиқариш 1 йилда 60 млн донага етади [70].

<http://www.tehkorm.ru/publikatsii//ptitsevodstvo/svet-v-broilernom-ptitseaodstve.html> интемет сайтида **бройлерлар учун ёруғликнинг аҳамияти** ҳақида ёзар экан, ёруғлик – энг муҳим экзоген фоктор бўлиб ҳар қандай тирик организм учун айниқса паррандалар учун унинг таъсири жуда сезиларли бўлиб бу фактами аниқ равишда бошқариш ва қўллаш гўшт ва тухум йўналишидаги паррандачиликнинг рентабеллигини оширишда муҳим рол ўйнайди.

Ёруғлик насли товуқларда уларнинг физикавий ва физиологик етилишини бошқаради ва уларнинг жаҳлдорлигини ва канниболизм ҳодисасини олдини олади. Бройлерларда ёруғлик даставвал уларни фаоллигини оширувчи “инструмент” дир, бу эса уларнинг ўсиш ва ривожланишини бошқаришда жуда қўл келади.

## **5.2. Бройлер жўжалари рационида темир ва мис биометалидан фойдаланиш**

Биометал порошоклари заррачалари атомлари ўзаро монолит ёки номонолит (амонолит) ҳолда бириккан бўлиши мумкин. Монолит

тузилишга эга бўлган препаратлар организмга тушгандан сўнг туз ва ионлар шаклига ўтади. Шунинг учун олдиндан билиб бўлмайдиган, организм учун ёд бўлган кимёвий реакция рўй беради ва оқибатта организм учун зарарли ёки захарли бўлган бирикмалар хосил бўлиши мумкин. Бу эса инсонни ҳамда Ҳайвонларни захарлади.

Шу боисдан, А.Мартышин лабораторияси Ўзбекистонда 20 йилдан бери аминолит “тирик” биометаллами нанотехнология асосида ишлаб чиқариш ва уни турли соҳаларда қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. Нанотехнология асосида олинган ПАМ – (препарати аминолитных биометаллов) биометалларини турли соҳаларда қўллаш бўйича Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Истроил ва бошқа чет элларда ҳам изланишлар олиб борилмоқда.

Биз Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ядро физикаси институтининг активизацион таҳлил лабораториясида таҳлил қилдирганимизда темир биометаллининг заррачалари 0,01 мкм ошмади. Таркибида эса 89,9% темир элементи бўлиб, ёд элементлардан симоб 52,4 мкг мкг/г, гафний 410 мкг/г, 5690 мкг/г рух, 65,0 мкг/г кобальт, 10,1 мкг/г суръма ва 30,8 мкг/г кумуш элементлари борлиги аниқланди. Булардан симоб заҳарли модда бўлсада 1 г биометал таркибида 0,000054 бўлиб, унинг ҳайвон организми учун мутлоқ зиёни йўқ.

### **3.1-жадвал**

#### **Ўзбекистон ФА Ядро физикаси институти активизацион таҳлил лабораториясида темир ва мис биометалларининг соғлиги ва таркибини ўрганиш бўйича олинган маълумотлар**

<b>Элемент</b>	<b>Мис</b>	<b>Темир</b>
Бром	0,82	<0,1
Гафний	<0,1	410
Темир	126	899000
Олтин	0,14	<0,01
Кобальт	<0,01	65,0
Лантан	0,15	<0,1
Мис	978000	<0,1
Молибден	0,40	<0,1
Мишъя	0,56	<0,1
Никель	940	<0,1
Симоб	0,015	52,4
Селен	0,47	<0,01
Кумуш	12	30,8

Скандий	0,019	<0,01
Суръма	2,2	10,1
Уран	0,069	<0,01
Хром	1,4	<0,1
Рух	10	5690

### Бройлер жўжаконанинг микроклимати

**Ҳаво ҳарорати.** Паррандаларда тана ҳарорати меъёри тананинг пат ва пар билан қопланмаган қисми, тожиси, сирғаси ва нафас олиш органлари орқали бошқарилади. Юқори ҳаво ҳарорати теплорегуляция меъёрида бўлганда ҳам паррандалар танасини ортиқча қизиб кетишига (гипертермия) олиб келиши мумкин. Бу ўз навбатида меъда фаолиятини, меъда ости безини, ичак ва жигаминг нормал функциясини издан чиқаради. Гипертермия бундан ташқари организмнинг ҳимоя функциясини издан чиқаради. Жўжакона ҳарорати 40-42°C дан ортиб кетиши паррандалар учун айниқса жўжалар учун ҳавфлидир. И.С.Загаевскийнинг таъкидлашича 14-10 кунлик жўжаларда ҳароратнинг 38-42°C гача кўтарилиши уларнинг ҳимоя қобилиятини пасайтириб паратиф касаллигига чалинишини кучайтирган[17].

К.Ф.Рождественскийнинг маълумоти бўйича ҳароратининг 1 С° га кўтарилиши озуқа истеъмол қилишни 1.1-1.2% га камайтиради[38].

Ташқи муҳитнинг совиб кетиши паррандаларга айрим органларини ва умумий организмнинг фаолиятига салбий таъсир этади. Айрим органлари деганда масалан, тери юзасидаги артериялами спазма ҳолига, тожзирак ва бармоқларини музлаб қолишига олиб келади. Парранда танасини умумий совиб кетиши терида анемия ҳолатини, ички органлар гипермиясини, қон босимини кўтарилишини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, ички органлар ҳарорати пасайишига ва муҳофаза қобилиятини пасайишига олиб келади. Агар бу муддат чўзилиб кетса товуқлар озиб кетади. Агар ҳароратнинг пасайиши ҳаво намлигини ортиши ва шамол билан кузатилса организмга комплекс салбий таъсир этади.

Шунинг учун жўжаконанинг ҳарорати эски стандарт бўйича қуидагича бўлиши керак деб уқтиради. Р. Ҳамроқулов[49].

1. Загаевский И.С. “К вопросу о профилактике желудочно-кишечных молодняка птиц”. Москва 1992 г. 2. Рождественский К.В. “Кормление с/х птиц”. Москва 1980.

3. Ҳамроқулов. Р. Карibaев К. “Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиқлантириш” Тошкент 1999 й.

### 3.2.1-жадвал

#### Бройлер жўжахонасининг ҳарорати

Жўжаламинг ёши, кун ҳисобида	Жўжахона ҳарорати, $t^{\circ}$ C
1-7 кун	35°-32°
8-20 кун	29°-24°
21 кундан ката	24°-20°

Биз тажриба ўтказган хўжалигимиз шароитида ҳаво ҳарорати, намлик ва ёруғлик автоматлаштирилган бўлиб компьютерда бошқарилади. Бу кўрсаткичлар қўйидаги жадвалда келтирилади.

### 3.2.2-жадвал

#### Даврлар бўйичажўжахонанинг ҳарорати. $t^{\circ}$ C

Кунлик даври	Хона ҳарорати, $t^{\circ}$ C да
1-2 кун	31.5 °C
3-5 кун	29.5 °C
6-8 кун	28.5 °C
9-11 кун	27.5 °C
12-14 кун	27.2 °C
15-17 кун	26.2 °C
18-20 кун	25°C
21-42 кун	24-20 °C

Жадвалда келтирилган маълумотлардан шу нарса қўринадики, бу янги кросси “Рос-308” да жўжахона ҳарорати бироз аниқлаштирилган бўлиб ҳар икки кунда ўзгариб туради ва собиқ иттифокда қабул қилинган стандарт талабларидан бироз фарқ қиласди.

**Ҳаво намлиги.**  $1m^3$  ҳаводан олинган сув буғларининг микдори абсолют намлик дейилади. Абсолют намликни максимал намликка бўлган нисбатини процентдаги нисбати нисбий намлик дейилади. Бу кўрсаткич паррандахона ҳавосини сув парлари билан туйингланлик даражасини ифодалайди. У қанчалик юқори бўлса ўшанча максимал намликка якинлашади. Ҳаво ҳарорати билан нисбий намлик орасида тескари пропорционаллик бўлиб, ҳарорат қанча юқори бўлса нисбий намлик шунчалик паст бўлади. Паррандахоналарда нисбий намлик 60-98 % гача бўлади. Товуқхона ҳавосининг нисбий намлиги ҳамма вақт атмосфера ҳавосининг намлигидан юқори бўлади. Катта ёшли товуқлар нафас йўли орқали 40 мл, тезак ва сийдик орқали эса 90 мл сув ажратади деб уқтиради В.В.Сорокин. Умуман олганда товуқхона ҳавосининг 75 % намлиги

тovуқлар томонидан ажратилади. Паррандалар организмининг терморегуляциясига ҳавонинг намлиги ва ҳарорати кучли таъсир этади. Паст ҳароратда намликнинг кўп бўлиши иссиқнинг ажратилишини тезлаштиради ва организм тез совиб кетиб паррандалар шамоллаши мумкин. Юқори ҳароратда организмдан иссиқлик ажралиши (теплоотдага) қийинлашади ва паррандалар лоҳас бўлиб гипертермияга учрайди деб ёзади В.В.Сорокин [44]. Намлик юқори бўлган паррандахоналарда паррандалар ланж бўлиб иштаҳа пасаяди, озуқа ҳазм қилиш жараёни издан чиқади ва маҳсулдорлиги пасаяди. Айниқса бунга ёш жўжалар сезувчанроқдир. Бундай ҳолда паррандахонада инвазион ва инфекцион касалликлар туғдирувчи омиллар кучаяди. Энг оптимал нисбий намлик 60-70 % ҳисобланади, максимал ҳолда 80 %, ёш жўжалар учун 70 % бўлиши мумкин. Юқори ҳароратда нисбий намликнинг паст бўлиши ҳам нохуш ҳолатдир. 55 % ва ундан паст нисбий намлик бўлганда ҳарорат юқори бўлса паррандаларнинг ҳолати ёмонлашади, айниқса буни ёш жўжалар кучли сезадилар. Шиллиқ парда ва патлари қуруқлашади, чанқоқлик кузатилади ва ёш жўжалами ўсиш ва ривожланиши сусаяди. Товуқхонада намликни камайтиришнинг асосий чораси паррандахонани тоза сақлаш, уни шамоллатиш, гўнгдан тозалаш ва тўшамани янгилаш ҳисобланади.

---

1. Сорокин В.В. “Гигиена содержание птицы”. Москва 1998 г.

Ҳар  $1\text{m}^2$  майдондаги паррандалар сонини ошиб кетишга йўл қўймаслик, ерга сув тўқмаслик, инвентарлами товуқхонада ювмаслик ва паррандахона полини ун холидаги оҳак билан ( $1\text{кг}$  ни  $10\text{m}^2$  пол га ) ишлов бериш ҳисобланади.

И.Н.Кардонинг маълумоти бўйича [21] паррандахона ҳарорати товуқларга қўйидаги таъсир қиласи:

- бадани ортиқча исиб кетиши, гипертермия, кучдан қолиш;
- тухумдорлик пасаяди, тухум кичраяди, пўстлоғи юпқалашади;
- товуқлар хансирашади;
- тухумдор товуқлар учун идеал ҳарорат норма талабида бўлиши керак;
- хўл тўшама ҳаво намлигини ошириши мумкин.

Бу температура диапазонида ҳаво намлиги ошиб товуқлар бадани тез совийди. Тухумдорлик пасаяди, ҳаракатланиш камаяди, тожларимузлаб қорая бошлайди.

Товуқламинг маҳсулдорлигига, саломатлигига бундан ташқарихаво таркиби, ундаги  $\text{CO}_2, \text{NH}_3, \text{H}_2\text{S}$  газлари чанг ҳамдахаводаги микроорганизмлари ҳам таъсир қиласи П.И.Фиоктистов(1962). [47]

Биз тажриба ўтказган хўжалигимизда ҳаво намлиги автоматик равишида компьютер орқали бошқарилади. Бу кўрсаткичлар қуйидаги

жадвалда келтирилган.

1. Красота В.Ф. Лобанов В.Т. “Разведение сельскохозяйственных животных”. Москва Колос. 1983 г. Стр. 375.
2. Сияни Г. Умитько В. Горбунов Н. “Влияние Структуры рационов на рост развитие и продуктивность молочных коров” Жумал Молочное и мясное скотоводство. 2001 г. № 1. стр. 42-45.
3. Акмалхонов Ш.А. Аширов М.И. “Бузоклами ўстириш технолоргияси” Тошкент “Мехнат” 1986 й.
4. Зохидов Д.Р. “Мясная продуктивность и некоторые биологические особенности потомства быков- производителей ведущих линий чемо пестрого скота Республики Узбекистана” Автореферат, дисс. канд. с/х. н Тошкент УзНИИЖ. 1993 г. стр. 15.

### 3.2.3- жадвал

#### Даврлар буйича жўжахонанинг ҳаво намлиги, %

Жўжалар ёши, кун	Хонанинг ҳаво намлиги, %
1-2 кун	65%
3-5 кун	65 %
6-8 кун	60%
9-11 кун	55 %
12-14 кун	50%
15-17 кун	50%
18-20 кун	50%
21-42 кун	50%

Олинган маълумотлардан қўринишича бройлер жўжахонасининг ҳавосини нисбий намлиги биринчи 5 кунда 65 %, 6-8 кунлари 60 %, 9-11 кунлари 55 % ни ташкил қилган. Кейинчалик эса 42 кунлик ёшигача 50% бўлган.

**Паррандахонани ёритилиши.** Қуёш нури паррандаларга турлича ва мураккаб таъсир кўрсатади. Агар қуёш нуридан оптимал равишда фойдаланилганда паррандаларнинг ўсиш, ривожланиши, тирик вазнини ортиши, резистентлиги кучаяди ва маҳсулдорлиги ортади. Агар паррандаларни ультрабинафша нур билан нурлатилса қонида калций вафосфор микдори ортади ва ракитга чалина бошлаган жўжаларда суяклари мустаҳкамланибшифтотапбошлайдилардебтаъкидлайди (

Паррандаларни жадал ўстириш технологиясида (паррандачилик

фабрикаларида) етишмайдиган табиий ультрабинафша нурининг ўмига эритемно-люминисцент лампаларидан 79В-15 ва бошқа лампалардан қўлланилади. Бундай сунъий ультрабинафша нурлардан фойдаланиш паррандаларнинг ўсиш-ривожланишини, саломатлигини яхшилайди, паррандахона ҳавосидаги микрофлоралами камайтиради ва маҳсулдорлигини яхшилайди.

Спорасиз микрофлорадан, оцистлардан уларнинг личинкалари ва гелмент тозалашда куёш нурининг аҳамияти жуда каттадир. Куёш нури ўмига фойдаланилайдиган сунъий лампаламинг қонцентрланган тўғри нури ёйилиб, тарқатилган ёруғликка нисбатан бир неча бор бактерацидлик хусусияти юқоридир. Энг юқори бактероцидлик хусусияти ультрабинафша нурда, сўнгра бинафша нурлик ва энг паст бактероцидлик хусусияти кўк лампаларда бўлади.

Ёруғлик етмаслиги паррандаларда камқонлик, осеомалияция, тухумдорликни пасайишига олиб келади, товуклар қўп касалликка чалинади ва тухумнинг инкубация сифати пасаяди. Жўжалар ўсиш, ривожланишидан орқада қолади ва рапит касаллиги кучая боради деб уқтиради (К.В.Рождественский [38]).

Биз тажриба ўтказган хўжалигимизда ёруғлик кунининг давомийлиги ва ёритиш жадаллиги автоматик равишда компьютер орқали бошқарилади.

### **3.2.4-жадвал**

#### **Даврлар бўйича жўжахонадаги ёруғлик кунинг давомийлиги ва ёритиш жадаллиги, соатда**

<b>Жўжалар ёши, кун</b>	<b>Люкс</b>	<b>Эритиш давомийлиги, соат</b>
1-2 кун	25	24 соат
3-8 кун	20	23 соат
9-14 кун	15	20 соат
15-39 кун	8	23 соат
40-42 кун	10	23 соат

### **3.3. Жўжалари ўсиш динамикаси**

Чорвачиликда индувидал ривожланиш тушунчасида кўпинча "Ўсиш" термини қўлланилади. Бу термин негизида ҳайвон организмининг ўлчами ва тана массасини ортиши тушунилади. Ўсишнинг энига, бўйига ва баландлигига ўсиш, тана ҳажмини ўсиши ҳамда тана массасини ортиши сингари турлари мавжуд.

Чорвачилик амлиётида Ҳайвонларнинг ва паррандаларнинг ўсишига

баҳо беришда уларнинг тирик массасини ўзгариши бўйича баҳо берилади. Ҳайвон ва паррандаларнинг тирик массасини ўрганиш улар учун озук нормаси белгилашда, яхши ўсаётганлигини назорат қилишда, бўрдоқига боқиш даврида уларни семириш жадаллигини аниқлашда ва яхши ўсаётган ҳайвон ва паррандаларни танлашда аҳамияти каттадир.

Ўсиш деганда ёш Ҳайвонларни онтогенез даврида миқдорий ўзгаришини яъни организмнинг хўжайра ва тўқималар массасини кўпайиши тушунилади.

Ўсиш кўрсаткичи ҳайвонни қай даражада ривожланаётганлигини ифодалайдиган кўрсаткич ҳисобланади. Ривожланиш эса организмнинг мураккаблашишини, орган ва тўқималаминг дифференциясини ифодалайди деб уқтиради В.Ф.Красота [27].

Онтогенез даврида ўсиш ва ривожланишни ўрганишга К.Б.Свечин [41], В.И.Фёдоров (1973) ва бошқалар катта эътибор берганлар.

Ўсиш ва ривожланиш ҳамда гўшт маҳсулдорлиги уларнинг зотга (паррандачиликда кроссига), ёшига, асраш ва озуқлантириш технологиясига боғлиқлиги ҳақида Ш.А.Акмалхонов, М.И.Аширов [7], Д.Р.Зоҳидов[19], З.Тўрақулов, А.Маматқулов, Р.Валиев (2001), Г.Сиянин ва бошқалар [41] хабар қиладилар.

Жўжалар полига қалин тўшама солинган ҳаво намлиги, ҳарорати, ёруғлик куни ва ёритиш жадаллиги автоматик равишда компьютерда бошқариладаган жўжахонада боқилди. Бундан ташқариозуқа тарқатиш ва сурориш ҳам автомат ёрдамида бошқарилади.

Биз Росс-308 кроссига мансуб бўлган жўжалардан 400 бошини танлаб олиб “Жумалист Музаффар Миравзалов” фермер хўжалигида жўжаламинг 1-35 кунлигига ўсиш динамикасини ўрганиш учун инкубатордан чиқсан, соғлом 1 кунлик жўжалардан 4 та гурух ташкил қилдик. Ҳар гурухда 10 бosh жўжа бўлиб, уларни сим тўсиқлар орқали ажратиб тажриба бошладик. Назорат гуруҳи ҳисобланиб улар хўжалик рационида боқилди.

1- тажриба гуруҳига 1 кг омихта емига 7 мг темир ультрадисперс биометалли қўшиб берилди.

2-тажриба гуруҳига 1 кг омихта емига 2,5 мг мис ультрадисперс биометалли қўшиб берилди.

3-тажриба гуруҳига 1 кг емига 7 мг темир ва 2,5 мг мис биометаллини қўшиб уни миксерда яхшилаб аралаштириб берилди.

1 кунлик жўжалами алоҳида тортишга хўжалик раҳбарлари руҳсат беришмади. Шунинг учун 10 бosh жўжани картон каробкага жойлаштириб тарозида тортдик ва уни 10 га бўлиб ўртача тирик массасини аниқладик ва

тортилган жўжаларга краска суркаб белгилаб қўйдик. Олинган маълумотлар қуидаги жадвалда келтирилган.

### 3.3.1-жадвал

#### 1 тажриба бўйича 1 кунлик жўжа 20.04.2012 й. олинган бройлер жўжаларини ўсиш жадаллиги

Ёши,кун	Кросс стандартни	Назорат гуруҳи	1-тажриба гуруҳи	2-тажриба гуруҳи	3-тажриба гуруҳи
3	40	39	39	40	39
5 кунлик	119	110	113	112	114
10 кунлик	258	228,3	232	230	233
15 кунлик	469	347,1	451	450	466
20 кунлик	736	724,3	738	732	739
25 кунлик	1047	1023	1030	1028	1035
30 кунлик	1391	1346	1350	1348	1359
35 кунлик	1744	1724	1746	1738	1748

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, кросс стандарти бўйича 5 ҳафталигига 1,744 кг бўлган бўлса, назорат гуруҳидагилар 1,724 кг ва 1-2-3-тажриба гуруҳларида мос равишда 1,746-1,738-1,748 кг тирик массага эга бўлишган. Шундай қилиб, назорат гуруҳидагилар кросс стандартининг 98,8%, 1-тажриба гуруҳидагилар 100,1%, 2-тажриба гуруҳидагилар 99,65% ва 3-тажриба гуруҳидагилар 100,23% ташкил қилганлар. Демак, темир ва мис биометаллини кўрсатилган миқдорда рационига қўшиб бериш деярли, уларнинг ўсиш жадаллигига таъсир кўрсамади.

А.П.Калашников (1985) тавсияси бўйича товуқлар ва бройлер жўжалари омихта емига 1 кг учун 7 мг темир ва 2,5 мг мис элементи қўшиб бериш таклиф этилади.

Шунинг учун биз омихта емида ушбу биометаллами қанча бўлишидан қатъий назар 1 кг омихта емига 7 мг темир ва 2,5 мг мис биометаллини қўшиб бериб, 1-серия тажрибани якунладик ва жўжалар қонини биёкимёвий таркибини, сақланишини ва ўсиш жадаллигини ўргандик.

Олинган маълумотлар ҳисоботда келтирилган. Кейинги босқичда бройлер жўжалари омихта емига темир элементини қўшиш бўйича интемет маълумотларини ўрганиб шуни аниқладикки, турли кроссларда ва турли мамлакатларда омихта емга қўшиладиган темир элементининг миқдори турлича қабул қилинган. Масалан; АҚШда бройлер жўжаларини 1 кг омихта емига 80-96 мг/кг, тухумдор товуқларга-45мг/кг темир элементи қўшиш тавсия қилинган.

Россия изланувчиларининг маълумоти бўйича 1 кг омихта емда 200-800 мг/кг темир элементи борлиги аниқланган. Турли манбаъларда темир биометаллини миқдори турличадир.

1998 йилги Россияда чоп эттирилган омихта емлар рецепти тузиш бўйича қўлланмасида бройлер жўжалари ва тухумдор товуқлар омихта емига 10 мг/кг темир элементи қўшиш тавсия этилган.

1999 йилги “Кишлоқ ҳўжалик паррандаларини боқиш” бўйича қўлланмасида темир элементидан 25 мг/кг қўшиш тавсия қилинган.

“Смена” кроссларини боқища 80 мг/кг, ISA кроссларида 80 мг/кг, “Хойсекс белый” кроссига 49 мг/кг темир қўшиб берилган.

Шуларни ҳисобга олиб биз бройлер жўжалар ва тухумдор товуқламинг 1 кг омихта емига 50 мг темир элементи ва мис биометаллидан бройлерлар учун 8 мг/кг, тухумдор товуқлар учун 4 мг/кг қўшиб бериб тажриба ўтказдик.

Тажрибани шу фермага қарашли “Аббос агро” хусусий фермер хўжалигида ўтказдик. Бунда ҳам ҳудди шу усулда 400 бош 1 кунлик бройлер жўжаларини 4-та гурухга бўлиб тажриба ўтказдик:

- Назорат гуруҳи хўжалик рационида;
- 1-тажриба гуруҳига 1 кг омихта емига 50 мг темир биометалли;
- 2-тажрибагуруҳига 8 мг/кг мис биометалли;
- 3-тажриба гуруҳида 1 кг омихта емига 50 мг темир ва 8 мг мис ультрадисперс биометалли қўшиб берилди. Олинган маълумотлар 3.3.2-жадвалда келтирилган.

### **3.3.2-жадвал**

#### **2 тажриба бўйича 1 кунлик жўжа 20.08.2012 й. олинган**


#### **бройлер жўжаларини ўсиш жадаллиги**

<b>Ёши,кун</b>	<b>Кросс стандарты</b>	<b>Назорат гуруҳи</b>	<b>1-тажриба гуруҳи</b>	<b>2-тажриба гуруҳи</b>	<b>3-тажриба гуруҳи</b>
1 кунлик	40	40	39	40	40
5 кунлик	119	109	118	111	119
10 кунлик	258	225	259	249	262
15 кунлик	469	446	475	456	479
20 кунлик	736	724	750	730	758
25 кунлик	1047	1020	1097	1089	1110
30 кунлик	1391	1335	1414	1336	1420
35 кунлик	1744	1720	1766	1741	1810

Бундан шу хulosани келтириш мумкинки, рационига (1 кг омихта емига) 50 мг темир ультрадисперс биометаллини қўшиб бериш 35 кунлик

жүжалами ўсиш жадаллигини зот стандартига нисбатан 22 г га, назорат гурухига нисбатан 46 г га оширган. Рационига темир ва мис биометаллари күшилган (50 мг/кг темир+8 мг/кг мис) 3-тажриба гурухидаги жүжалар эса стандарт талабидан 66 г га ва назорат гурухидаги тенгқұрларига қараганда 90 г га тирик массаси ортиқ бўлган. Бундан шу холосани келтириш мумкинки, рационида 1 кг омихта емга 50 мг/кг темир биометаллини күшиб бериш улар қонида темир микдорини ошишига, гемоглобин микдорини қўтаришига сабаб бўлади. Бу эса организмни саломатлигини яхшилайди, чидамлилигини оширади ва иммунитетини қучайтиради, бу эса оқибатда уларни яхши ўсиб ривожланишига сабаб бўлади.

2-тажриба бўйича 1 кунлик жўжа 20.08.2012 й. Олинган бройлер жўжаларининг ўсиш жадаллиги диаграммаси



Бройлер жўжаларининг ўсиш жадаллиги ҳакида тўлароқ маълумот олиш учун уларнинг ўртача кунлик семиришини (ўсишини) ҳам ўрганиш керак бўлади. Шу мақсадда биз тажрибадаги бройлер жўжаларини ўртача кунлик ўсиш жадаллигини ҳам ўргандик. Бу маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўринишича назорат гуруҳидаги жўжалар кросс стандартининг 35 кунлик тирик массаси бўйича 98,6%, рационида 50 мг/кг темир биометалли бўлган 1-тажриба гурухи жўжалари кросс стандартининг 101,26 %, рационида 8 мг/кг мис биометалли бўлган жўжалар кросс стандартининг 99,83 % ва рационида 50 мг/кг темир ва 8 мг/кг мис бўлган 3-тажриба гуруҳидаги жўжалар кросс стандартининг 103,78% тирик массасига эга бўлганлар.

Бундан шу холосани келтириш мумкинки, рационига (1 кг омихта емига) 50 мг темир ультрадисперс биометаллини қўшиб бериш 35 кунлик жўжалами ўсиш жадаллигини зот стандартига нисбатан 22 г га, назорат гуруҳига нисбатан 46 г га оширган. Рационига темир ва мис биометаллари қўшилган (50 мг/кг темир+8 мг/кг мис) 3-тажриба гуруҳидаги жўжалар эса стандарт талабидан 66 г га ва назорат гуруҳидаги тенгқурларига қараганда 90 г га тирик массаси ортиқ бўлган. Бундан шу холосани келтириш мумкинки, рационида 1 кг омихта емга 50 мг/кг темир биометаллини қўшиб бериш улар қонида темир миқдорини ошишига, гемоглобин миқдорини кўтаришига сабаб бўлади. Бу эса организмни саломатлигини яхшилайди, чидамлилигини оширади ва иммунитетини кучайтиради, бу эса оқибатда уларни яхши ўсиб ривожланишига сабаб бўлади.

Жўжаламинг кунлик ўсиши жадаллигини таҳлил қиласиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, бошқа хўжаликларда жўжалами ҳар ҳафтада тортиладиган бўлса, бу хўжаликда 5 кунда тортиб уларни ўсиш жадаллигини таҳлил қилинади. Жадвалда келтирилган маълумотлардан, шу нарса кўринадики, назорат гуруҳидаги жўжалар 1,2 ва 5 кунликларда эса назорат гурухи жўжаларининг кўрсаткичлари юқорироқ бўлган.

### **Назорат саволлари:**

1. Рационда мис ва темир биометалидан фойдаланиш?
2. Бройлер жўжаларини парваришлаш технологияси?
3. Бройлер жўжаларини сақлаш ва асраш технологияси?
4. Жўжалари ўсиш динамикаси?
5. Бройлерлар учун ёруғликнинг аҳамияти?

### **Адабиётлар рўҳати:**

1. Р.Хамрақулов ва бошқалар “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуқалантириш” (Услубий кўрсатмалар) Тошкент-2008
2. Р.Хамрақулов “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуқлантириш” Тошкен-2011 й
3. \*VAYNSHTEFAN AMALIY F ANLAR UNIVERSITETI TRISDORF FILIAL I, GERMANIY A Durst L., Viltman M. “Qishloq ho’jalik hayvonlarini ozuqlantirish”
4. Б.О.Абдолниёзов. Чорвачилик асосларидан амалиймашғулотлар Урганч – 2008

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1–амалий машғулот: Дағал озуқалар туйимлигига баҳо бериш**

**Ишдан мақсад:** Дағал озуқлар турига ва уларнинг туйимлигига баҳо беришни урганишдан иборат.

**Ишни бажариш учун намуна:** 1). Бошоқлилар ва уларнинг аралашмаси. Беда ўтидан тайёрланган пичаннинг 1кг да 0,50-0,52 озук бирлиги, 120г хазмланувчи протеин ва 30-50 мг/кг каротин бўлади. Пичан тайёрлашда куйидаги технологик жараёнлар ишлатилади: -ўриш, ағдариш, қуритиш, тўплаш, транспортларга ортиш ва уларни ғарамларга бостириш. Пичанларни хисобга олиш ва сақлаш. Пичанларни чорвачилик фермасига яқин ховлисида сақлангани яхши, бунда озукни исрофланиши камаяди.

**Топшириқ:** Вариант бўйича пичан ғарами ва уюмини ўлчанг, ҳамда фўрмула бўйича уларнинг ҳажмини хисобланг

### **Назорат саволлари:**

1. Озиқ овқат саноати чиқиндиларининг турларини келтиринг?
2. Техникавий чиқиндиларни озуқавий қиймати?
3. Ёғ саноати чиқиндилари озуқавий қиймати?
4. Спирт ва пиво саноати чиқиндиларининг озуқавий қиймати?
5. Қанд лавлаги саноати чиқиндиларидан қачон фойдаланиш самаралироқ?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуқалантириш Тошкент-2008
2. “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуқлантириш” 2011 й
3. \*VAYNSHTEFAN AMALIY F ANLAR UNIVERSITETI TRISDORF FILIAL I, GERMANIY A Durst L., Viltman M. “Qishloq ho’jalik hayvonlarini ozuqlantirish”

## **2-амалий машгулот:**

**Озуқалар, уларнинг кимёвий таркиби ва тўйимлилиги**

**Ишдан мақсад – ем-хашакнинг кимёвий таркиби тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишни ўрганиш.**

**Иш учун зарур–дағал, ширали, ҳайвонот озуқалари, минерал қўшилмалар, витаминли ўтлар, премикслар, ҳар хили таркибдаги омихта емлар ва бошқа тўпламлар.**

Ўзининг келиб чиқиши ва кимёвий табиатига қараб озуқлар ўсимлик ва ҳайвонот турларига бўлинади.

Ўсимлик озуқалари қишлоқ хўжалик ҳайвонлари рационининг асосини ташкил қиласди. Кимёвий таркиби ва ҳайвон организмига физиологик таъсири бўйича озуқалар ҳажмли ва кучли турларга бўлинади. Ҳажмли озуқаларга таркибida кўп микдордаги қуруқ моддалардан, кўпинча клетчаткадан иборат дағал озуқаларга (пичан, сенаж, сомон, тупон); ўз таркибida кўпгина сув бўлган ширали ( ўт, силос, илдизмевалилар, полиз) ва серсув озуқалар киради (барда, жом, лавлаги турпи).

Таркибida кўп микдордаги енгил хазм бўлувчи тўйимли озуқалардан иборат кучли озуқалар гуруҳига углеводлар, ёғлар, протеин киради; уларда намлик ва клетчатка камдир.

Бу озуқалар рациондаги тўйимли моддалар йифиндисини кучайтириш манбаидир. Уларга дон ва дуккаклилар, уларнинг тегирмонда тортиш маҳсулоти ҳамда кунжаралар, широтлар, кепаклар, озик-овқат ва тегирмон саноатининг қолдиқлари киради.

Ҳайвонот озуқалари юқори тўйимлилиги ва тўла қимматлилиги билан ажралиб туради. Уларга сут, ёғи олинган сут (обрат), пишлоқ, тухумлар, гўшт, гўшт-суюқ, қон, балиқ уни ва ҳайвонот озуқаларининг бошқа турлари киради.

Омихта ем деб ўсимлик ва ҳайвонот озуқаларининг витаминлар ва микро-макроэлементлар билан бойитилиб тайёрланган аралашмасига айтилади. Улар тўла рационли (уларни бошқа тур озуқаларни аралаштирумасдан молга берадилар) ва кучли озуқалар бўлиши мумкин, уларни дағал ва ширали озуқалар билан молга берадилар.

Озуқа аралашмаларига нуқул сут ўрнини босувчи модда, тенглаштирувчи қўшимчалар ( оқсилли, оқсил-витаминли, оқсилли-витаминли-минерал моддали ва бошқалар) ва премикслар -биологик актив моддаларнинг (витаминаларнинг, микро-элементларнинг,

аминокислоталарнинг), ўхаш аралашмаси. Келтирилган озуқа аралашмасига ва премикслар маҳаллий озуқаларга қўшилганда мол ва парранда организми томонидан тўйимли моддаларини хазм бўлишини кучайтиради.

Ишнинг ўтказилиши. 1. Ҳар хили озуқалар намуналари билан танишиш ва 2-3 тур дағал, ширали, кучли, ҳайвонот ва омиҳта емларни тавсифлаш, бунда эътибор озуқаларни ботаник таркибига ва ўрим-йиғим даврига, сақлаш усулига, ейимлигига ва молни озиқлантириш учун тайёрланишига қаратилади.

2. Ҳар хили озуқа турларини кимёвий таркибидаги (куруқ) солиштирма моддаларни, шу жумладан клетчаткалар ва протеин микдори, 1 кг озуқадаги жами энергияни таҳлил ўтказиб, натижаларни қуидаги шаклда тўлғазиши:

Озуқлар	Қуруқ моддалар микдори,%	1 кг озуқадаги			
		Қуруқ модда	Шу жумладан		Жами энергия, ккал
			клетчатка	протеин	

Ем хашакларнинг химиявий таркибини аниқлаш учун улардан намуналар олиб, агрохимия лабораториясига юборилади. Агроном, фермер лабораториядан олинган маълумотлардан амалий ишда фойдаланади.

Озуқаларни химиявий таркибини ўрганганда № 1 жадвал кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин. Озуқани жами энергиясини аниқлаш учун шуни эсда тутиш керакки, мол организмида 1г углевод оксидланишда 4,1 ккал, 1 кг ёғ -9,5 ккал, 1 г оксил -1,18 ккал жами энергия ажралади.

**Озуқаларнинг тўйимлилиги ва химиявий таркиби, (М.Ф.Томме,  
И.С.Попов, А.П.Калашников, Н.И.Клейменов маълумотлари)**

**1-Жадвал**

Озуқалар	1 кг озуқада озуқа бирлиги	Озуқаларнинг химиявий таркиби, %						
		Шу жумладан						
		сув	Қуруқ модда	протеин	ёғ	клетчатка	Азотсиз экстрактив моддалар	кул
Кўк беда	0,22	71,6	28,4	5,1	0,8	8,5	11,2	2,8
Маккажўхори (Кўк пояси)	0,21	79,9	20,1	1,6	0,4	6,0	10,3	1,8
Дуккакли- бошоқлилар ўти	0,24	78,6	21,4	3,3	0,7	6,0	9,4	2,0
Беда пичани	0,49	15,0	85,0	15,1	2,4	25,6	33,4	8,5
Дала пичани	0,42	15,0	85,0	8,4	2,6	25,5	42,1	6,4
Янтоқ пичани	0,43	11,1	80,9	11,9	1,4	31,0	38,3	6,3
Буғдой сомони	0,22	15,0	85,0	4,6	1,6	34,4	38,7	5,7
Сенаж бедадан	0,35	50,0	50,0	9,0	1,1	19,0	19,5	2,6
Ўт уни (бедадан)	0,62	10,2	89,8	21,0	2,2	16,7	36,8	13,1
Силос маккажўхоридан	0,20	73,0	27,0	2,5	1,0	7,8	13,0	2,7
Хашаги лавлаги	0,12	87,3	12,7	1,3	0,1	0,9	9,5	0,9
Маккажўхори дони	1,33	13,0	87,0	10,4	4,1	2,2	68,7	1,6
Буғдой кепаги	0,75	13,7	86,3	15,3	4,0	8,5	54,7	4,8
Кунжара пахтадан	1,10	8,4	91,6	42,6	7,2	14,1	21,1	6,3
Гўшт-суяк уни	0,89	8,3	91,7	51,7	12,5	0,8	4,3	22,4
Сут: нукул	0,30	87,6	12,4	3,3	3,8	-	4,7	0,7
Ёғи олинган	0,30	90,7	9,3	3,6	0,2	-	4,8	0,7

### **З-амалий машгулот: Рационлар тузиш техникаси**

**Ишдан мақсад:хайвонлврга рацион тузиш**

**Иш учун зарур маълумотлар-«Чорвачиликда озиқ нормалар ва рационлари»  
қўлланмаси**

**Дарснинг мазмуни ва уни ўтказиши.**

**Масаланинг қўйилиши:** Озуқавий рацион деб маълум вақтда (сутка, давр, мавсум, йил) молларнинг истеъмол қиласидан озуқалар тўплами ва микдорига айтилади. Шунга мувофиқ рационлар суткалик, мавсумий, йиллик ва бошқаларга ажralади.

Молларни тўйимли ва биологик актив моддаларга бўлган талабини тўла қондирувчи ва сифатли озуқалардан ташкил топганларига тўла қимматли яъни балансланган дейилади.

Озиқлантириш тушунчаси тажрибасида қуйидагиларга бўлинади: рацион тузилиши, озиқлантириш тури, энергетик даражаси, протеинли озиқланиш даражаси, озуқа сарфлари, озуқани қопланиши ва бошқалар.

Рацион тузилиши-бу энергетик тўйимлилиги фоизда ифодаланган озуқаларнинг хар хили турларини (дағал, ширали, кучли) нисбати.

Озиқлантириш тури деганда молларни маълум давр яъни йил давомида истеъмол қилинадиган асосий ёки озуқалар турларининг нисбати (энергетик тўйимлик фоизда) тушинилади. Агарда кавшовчи моллар рационида кучли озуқалар микдори ундаги энергиядан озуқа бирлигига 50 фоиз ва ундан зиёд бўлса озиқлантириш тури кучли ҳисобланади. Агарда рациондаги кучли озуқалар қисми 10 фоиздан зиёд бўлмаса, бу озиқлантириш тури ҳажмли дейилади.

Озиқлантириш турини аниқлашда кучли озуқалар микдоридан ташқари ҳажмли озуқалар нисбати ҳам эътиборга олинади.

Агарда рационнинг ҳажмли қисми, кўпинча дағал озуқалардан таркиб топган бўлса, бу озиқлантиришнинг қуруқ тури, рационнинг ҳажмли қисми 50 ва ундан зиёд қисми силос, илдизмевалилардан ташкил топган бўлса – бу озиқлантиришнинг ширали тури ҳисобланади.

Чўчқачиликда озиқлантиришнинг қуйидаги турлари мавжуд: кучли, мўътадил ҳажмли ва ҳажмли. Бунда ҳажмли озуқалар қисми тегишлича 20, 21-40 ва 41-60 фоизни ташкил қиласи.

Бўрдоқига боқилаётган чўчқаларни, тухум берадиган паррандани, бройлер-жўжаларни озиқлантиришнинг барча қисмлари бўйича балансланган рационлар (омухта емлар билан) тўйдириб озиқлантирадилар.

Энергетик (умумий) озиқлантириш даражаси деганда молни 100 кг тирик вазнига истеъмол қилинадиган энергия (озуқа бирлиги, яъни озуқанинг

куруқ моддаси) миқдори тушунилади.

Энергия бирлиги, яъни озуканинг 1 кг қуруқ моддаси ҳисобидаги ҳазм бўлувчи протеин миқдорини протеинли озиқлантириш даражаси дейилади.

Озуқа сифати – бу маҳсулот бирлигини олиш учун сарфланган рационнинг энергия миқдоридир.

### **Рацион тузиш техникаси**

Балансланган рационларни қўллаш молларни юқори маҳсулот бериш, уларни бола бериш қобилиятини соғлигини нормада саклаш, кам озуқа сарфлаб юқори сифатли маҳсулот олиш муайян нуқтадаги имқониятларини очади.

Шунинг учун ҳам рацион шундай тузилиши керакки, ундаги тўйимли ва биологик актив моддалар миқдори нормага мувофиқ бўлсин. Моллар организми озуқага эмас, балки ундаги тўйимли моддаларга муҳтождир.

Шунинг билан озуқалар сифатли ва мазали бўлиши муҳимдир.

Балансланганигидан ташқари рацион тузилишида улар арzon ва асосан маҳаллий озуқалардан иборат бўлишига эътибор қаратилади.

Рацион тузиш техникасини қўйидаги мисолда кўрамиз.

Озуқавий рацион 250 кг ўртacha тирик вазни, бўрдоқининг иккинчи даврида ўртacha суткалик ўсиш 1200г қилиб режалаштирилган қорамол бузоқининг гуруҳига мосдир. Хўжаликда озиқлантиришнинг силос-кучли озуқа-илдиз мевали тури қўлланилади ва қўшимча озиқлантиришда қўйидаги озуқалар мавжуд: беда пичани, маккажўхори силоси, хашаки лавлаги, маккажўхори ундаси, пахта широти, ош тузи, динатрийфосфат.

1. Жадвалга қараб норма топилади. У 8,4 озуқа бирлигига, 720-815 г ҳазм бўлувчи протеинга, 42 г кальцийга, 35г ош тузига, 60 мг каротинга тенг. Норма жадвалга ёзилади.

2. Озиқлантириш турини, хўжаликда бор озуқалар ва уларни қийматини хисобга олиб, рацион таркибини белгилайдилар, хўжаликда силос-кучли озуқа-илдизмевалилар билан озиқлантириш тури қўлланилади ва силос энг арzon озуқа ҳисобланади. Кучли озуқалар қиммат ва танқисдир.

Шунинг учун бўрдоқиланишнинг иккинчи даврида кучли озуқаларни одатда рационга энергетик тўйимлилиги бўйича 20-30% қўшадилар. Силос каротин билан бой озуқа, лекин унда Д витамини йўқ. Молларни Д витаминига бўлган талабини қондириш учун рационга пичан киритилиши керак: лекин пичандаги озуқа бирлиги силосдагига қараганда анча қиммат. Юқоридаги фикрдан келиб чиқиб, рацион таркиби қуйидагича бўлиши маъқул деб топилди: дағал хашаклар 10%, ширави озуқалар 70, кучли озуқалар 20%.

3. Рационда жами 8,4 озуқа бирлиги бўлмоқи лозим, улардан дағал хашакларга 10% ширавиларга, 70% ва кучлиларга, 20% тўғри келади. Демак,

дағал хашакларга 0,84 озуқа бирлиги ( $8,4 \times 10 : 100$ ), ширави озуқаларга 5,88 озуқа бирлиги ( $8,4 \times 70 : 100$ ), кучли озуқаларга - 1,68 озуқа бирлиги ( $8,4 \times 20 : 100$ ) тұғри келади.

4. Олинган маълумотлар ва озуқаларни энергетик түйимлилиги асосида рациондаги дағал ва ширави озуқаларни айрим турларини миқдори аниқланади.

Дағал хашаклардан хұжаликда беда пичани бор. «Чорвачиликда озиқ нормалари ва рационлари» құлланмасидан 1 кг беда пичанида 0,44 озуқа бирлиги борлигини аниқлаймиз. Демак, рационга 1,6 кг беда пичани киритилиши керак ( $1 \times 0,84 : 0,44$ ).

Хұжаликда 2 тур ширави озуқалар – силос ва хашаки лавлаги бор. Бүрдоқыланаётган бузоқдан юқори суткалик ўсишни (1,2 кг) күп миқдорда маккажүхори силосини беріб олиш қийин, лекин юқори ўсишга рационга хашаки лавлагини құшиб олиш мүмкін. Шунинг учун ширави озуқаларга тұғри келадиган 5,88 озуқа бирлигидан 70% силос ва 30% хашаки лавлагини бериш маъқулдир.

Демак, силос 4,12 озуқа бирлиги ( $5,88 \times 70 : 100$ ) тұғри келади. 1 кг маккажүхори силоси 0,2 озуқа бирлигига teng ва силос рационга 20 кг ( $4,12 : 0,2$ ) миқдорда киритилиши керак. Хашаки лавлаги рационда 1,76 озуқа бирлигига тұғри келади. ( $5,88 - 4,12$ ). 1 кг хашаки лавлагида 0,12 озуқа бирлиги бор ва хашаки лавлагининг рациондаги миқдори 15 кг.га тенгдир ( $1,76 : 0,12$ ).

Маълумотларни жадвалга ёзіб қанча озуқа бирлиги, ҳазм бўлувчи протеин, Са, Р ва каротин рационга қўшилган озуқалар ҳисобига тұғри келганлиги аниқланади.

5. Ҳажмли озуқаларда жами қанча озуқавий моддалар борлигини ва уларни қанчаси кучли озуқага тұғри келишини аниқлади, рационга кучли озуқаларни қўшадилар. Бунда уларни шундай ҳисоб билан танлайдиларки, озуқа бирлиги ва ҳазм бўлувчи протеин миқдори нормага яқин бўлсин. Бизнинг мисолда кучли озуқаларнинг бир озуқа бирлигига 142 г ҳазм бўлувчи протеин тұғри келиши керак ( $209 + 304 : 2 = 256 : 1,81 = 142$ ). Демак, рационга углевод (маккажүхори) билан ва протеин (пахта широти) билан бой кучли озуқалар қўшилиши керак.

Кейинчалик рационни протеин билан балансланганлиги текширилади, улар нормага яқин бўлмоғи керак.

5. Кавшовчилар рационларида керакли протеиннинг 25-30% синтетик, таркибида азот бўлган бирикмалар (мочевина, аммоний тузлари ва бошқа) билан алмаштирилади.

6. Сўнг рацион минерал моддалар ва витаминлар билан балансланганлиги текширилади. Агарда рационда кальций етишмаса, бўр,

оҳак тош яъни бошқа кальций кўшимчаси билан тўлдирилади. Фосфор қисми этишмаса фосфатлар, суяқ уни, преципитат қўшилади.

Рационда каротин етарли бўлмаса балиқ ёғи яъни витамин А препаратлари киритилади.

Рационга норма буйича ош тузи кушилади, В, Д витамин гурухлари, микроэлементлар ва озуқавий антибиотиклар билан бойитилади.

**Топширик.** 500 кг тирик вазнли, суткалик соғими 16 кг (3,8% ёғлиликда сут) сигир 3 кг беда пичани, 3кг шоли сомон, 20 кг маккажўхори силоси, 8 кг хараки лавлаги, 1 кг буғдой кепаги, 2 кг арпа уни, 1 кг пахта широти таркиб топган рацион билан озиқлантирилади. Рацион турини аниқланг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

5. Р.Ҳамрақулов ва бошқалар “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуқлантириш” (Услубий кўрсатмалар) Тошкент-2008
6. Р.Ҳамрақулов “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуқлантириш” Тошкен- 2011 й
7. \*VAYNSHTEFAN AMALIY F ANLAR UNIVERSITETI TRISDORF FILIAL I, GERMANIY A Durst L., Viltman M. “Qishloq ho’jalik hayvonlarini ozuqalantirish”
8. Б.О.Абдолниёзов.Чорвачилик асосларидан амалиймашғулотлар Урганч – 2008

## V. КЕЙС БАНКИ

**1-Кейс.** “Намуна фермер хұжалигыда” Қорамоллами озиқлантириш учун Бир ҳил типда озиқлантиришга ўтиш мақсадида тажриба гурухлари шакиллантирилди бу гурухларда маҳсулдорлик күрсаткичларидаги фарқлар, афзаллик ва камчиликтарни таҳминий лекин илмий асосланған ҳолда қўйдаги метод ёрдамида изоҳлаб беринг “SWOT-тахлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибалами таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллами топишга, билимлами мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккуми шакллантиришга хизмат қиласи.



**Намуна:** Қорамоллами озиқлантириш учун Бир ҳил типда озиқлантиришга ўтишнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Қорамоллами озиқлантириш учун бир ҳил типда озиқлантиришга ўтишнингкучли томонлари	
W	Қорамоллами озиқлантириш учун бир ҳил типда озиқлантиришга ўтишнингкучсиз томонлари	
O	Қорамоллами озиқлантириш учун бир ҳил типда озиқлантиришга ўтишнингимкониятлари (ички)	
T	Тўсиқлар (ташқи)	

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шархи</b>	<b>Инглиз тилидаги шархи</b>
<b>Оқсил</b>	Аминокислоталардан иборат мураккаб органик моддалар; углерод, водород, азот, кислород ва олтин гугуртдан иборат	It's a complex from amino acids of organic compounds; carbon, hydrogen, nitrogen, oxygen and golden match
<b>Омихта ем (комбикорм)</b>	Илмий жихатдан асосланган рецепт бўйича тайёрланган мураккаб озиқ аралашмаси.	Scientifically based on the theoretical recipe based on a complex mixture of food.
<b>Чорва молларини боқиши</b>	Чорва молларини нормал ўсишини, ривожланишини, юқори маҳсулдорлигини таъминловчи рационал озиқлантиришнинг, метод ва усусларини ишлаб чиқарувчи зоотехниянинг бир бўлими	It's a part of livestock in the normal growth, development, provides high productivity rational nutrition, methods, and methods of manufacturing
<b>Ем-хашак базаси</b>	Чорвачилик учун хўжалик, вилоят ёки мамлакат миқёсида ем-хашак ресурслари ва уларни олиш манбалари.	For animal farm, regional or national level in forage and their resources.
<b>Силос</b>	Силосланган хашак. Чорва молларига бериладиган ширали озуқа	Bunker fodder. Feeds for livestock
<b>Силослаш</b>	Озуқаларни хаво кирмайдиган қилиб консервалаш усули.	The method of non-air food canning
<b>Шрот</b>	Мой олинадиган ўсимликлар уруғини эритувчи моддалар билан	Oil plant seeds with solvents without oil production

	ёғсизлантириладиган қолган, ёғ-экстракцион ишлаб чиқариш чиқиндиши.	emissions.
<b>Сенаж</b>	Үрилган ўтлами далада 50-55% нами қолгунча сўлитиб майдаланган холда герметик шароитда консерваланган сочиувчан масса.	Mowed the weeds in the field until the humidity of 50-55% withered ground with the hermetically conditions canned powder mass.
<b>Пичан</b>	Чорва молларига бериш учун ўриб сўнг қуритиб тайёрланган ўт-ўланлар	Dry grass after harvesting for livestock
<b>Чорва молларини бўрдоқига боқиши</b>	Моллардан сифатли ва мўл гўшт олиш мақсадида уларни сўйишдан олдин бир неча вақтгача зўрайтирилган боқимга қўйиш	Before the slaughter of goods quality and there was plenty of meat in order to put in some time looking at reinforced
<b>Кепак</b>	Тегирмондан чиқсан ун чиқиндиши, ғалланинг устки қобиги ва навларга ажратилмаган ун қолдиқлари.	Flour mill waste, the remains of the separation of the upper crust and the varieties of wheat flour.
<b>Витаминлар</b>	Одам ва хайвонламинг нормал яшаси учун зарур органик моддалар группаси	The group of organic matters needed to live people and animals

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Махсус адабиётлар:**

1. Р.Ҳамрақулов ва бошқалар “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуклантириш” (Услубий кўрсатмалар) Тошкент-2008
2. Р.Ҳамрақулов “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озуклантириш” Тошкен- 2011 й
3. \*VAYNSHTEFAN AMALIY F ANLAR UNIVERSITETI TRISDORF FILIAL I, GERMANIY A Durst L., Viltman M. “Qishloq ho’jalik hayvonlarini ozuqalantirish”
4. Б.О.Абдолниёзов.Чорвачилик асосларидан амалиймашғулотлар Урганч – 2008

### **Интернет ресурслари:**

1. [www.vkb.ru](http://www.vkb.ru). “Близнецы” Зоотехия клиники расмий сайти
2. [www.booksee.org](http://www.booksee.org)
3. [www.fermer.ru](http://www.fermer.ru)
4. [www.zoovet.ru](http://www.zoovet.ru)
5. [www.vetdoefor.ru](http://www.vetdoefor.ru)